Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 199 (13.155).
26 АВГУСТ 1965 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

● *ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДА МУҲИМ ДАВР*

● ЕТТИ ЙИЛЛИК МАРРАСИ ЭГАЛЛАНМОҚДА

● «ОҚ ОЛТИН» ҲОСИЛИ ЧОРЛАЯПТИ

● *ЎЗБЕКИСТОН ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ — ХАЛҚҚА*

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

БЎКА, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги «Гулистон», Ҳамза номли, «Ленин йўли», Мичурин номли, «Партия XIX съезди» колхозлари, «Бўка» совхози ҳамда бошқа қатор хўжаликларнинг пахтазорлари устида самолётлар парвоз эта бошлади. 28 минг гектар ердаги ғўза барглари дефолиация қилинади.

Район хўжаликларида ҳосилни «зангори кема»ларда йиғиб-териб олишга жиддий аҳамият берилаётир. 1012 та агрегат мавсумга шай қилиб қўйилди. Бу йил районда 35 минг тонна пахта «пўлат этаклар» билан терилади.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.

ПАРТИЯ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Ленинчи партиянинг асосини белгиловчи бошланғич партия ташкилотлари оммага, ишлаб чиқаришга энг яқин турувчи, ҳаётнинг ҳамма соҳаларига, кишиларга кучли таъсир ўтказувчи қудратли воситадир. У партиянинг қуйи звеносидан тортиб энг юқори раҳбарлик органигачa бўлган ҳамма босқичларда кенг меҳнаткашлар оммасини партия теварагида янада мустаҳкам жипслаштиришда чиҳолтда муҳим ўрин тутади.

Бошланғич партия ташкилоти ўз структураси, моҳияти жиҳатидан барча коммунистлар учун, ҳамма кадрларимиз учун тарбия мактаби, ўсиш, улғайиш, камолот мактаби, ғоявий сиёсий жиҳатдан чиниқиш, чуқур малака тўплаш мактабидир. Бизлар ҳаммамиз партиянинг донишманд дастуриламалини, ленинча яшаш, ленинча ишлашнинг илк сабоқларини шу мактабда олганмиз.

Ҳозир бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари бу ташкилотларни янада мустаҳкамлаш, уларнинг коммунизм қурилишидаги ролини юксакликкa кўтаришда, коммунистларнинг ишчанлигини, активлигини тағин ҳам ўстиришда айниқса муҳим аҳамиятга эга. Йиғилишлар бошланғич партия ташкилоти раҳбарлик составига сайланган бюро ва комитет аъзолари, секретарлари учун натта синовдир. Улар ҳисобот-сайлов даврида қилинган ишларга яхши ясайдилар, хўжалик-сиёсий, маданий қурилиш вазифаларининг қандай ҳал этилаётганлигини ва бу вазифаларни бажаришда коммунистлар нечоғли фаолият кўрсатаётганлигини таҳлил этиб берадилар. Шу сабабдан ҳам йиғилишларни барча коммунистларнинг актив иштиронида, танқид, ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтказиш ниҳоятда муҳим масаладир.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг октябрь, ноябрь ва март пленумлари бутун партиямиз ҳаётида, олга томон илгарилаб боришимизда янги, тарихий йўналиш бўлди, ленинча иш услуби ва принципларини кенг ривожлантирди, хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга юзма-юз, зўрма-зўраки, субъективистик муносабатда бўлиш ҳолларига барҳам берди.

Коммунистик қурилишга тўғри, конкрет, илмий раҳбарлик қилишнинг, ҳамма коммунистлар ва барча кадрларимизнинг партиявий иш учун умумжавобгарлик ҳис этишларини янада кучайтиришнинг аниқ-равшан йўлларини ёритиб берди, партиялилар оммасининг ижодий ташаббусини, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда ҳар бир коммунист ва партиясиз меҳнаткашларнинг актив иштирокини беқиёс ривожлантириш учун ҳамма имкониятларни вужудга келтирди.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот даври ичида нечоғли ўсиб, ҳар жиҳатдан мустаҳкамланганликларини, улар завод ва фабрикаларда, транспорт ва қурилишларда, маданий-илмий муассасаларда, колхоз ва совхозларда етакчи, раҳбар куч сифатида оммаларнинг кенсиз ишончига, чуқур ҳурмат-эътиборига эга бўлиб қолганликларини кўрсатадиган фактлар кўп.

Бухоро пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Б. Баҳромов), Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи партия комитети (секретари ўртоқ А. Шендрик), Поп районидаги Калинин номли совхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ И. Охунов), Ҳамза номли академик драма театри партия ташкилоти (секретари Икрома Болтаева) ўз коллективларини навбатдаги вазифаларни ҳал этишга сафарбар эта олдилар, коллектив аъзоларини чуқур ғоявий эътиқодли, сиёсий етуклик, меҳнатга, ўз ишларига кенсиз садоқат бағишлаб руҳида тарбиялаб умумий ишда муваффақият қозонишигга эришмоқдалар, юз берган қийинчиликларни сабот билан енгмоқдалар, коммунистларни ҳамма ишда шахсий ибрат намунасини кўрсатишга сафарбар этмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари расмий, юзаки ўтказилмаслиги керак. Бундай аҳвол жонли, конкрет ҳарактерга эга бўлган партиявий ишнинг умумий ҳолатига зарар келтиради. Ҳар бир йиғилиш жанговар, ишчанлик вазиятида, ҳамма коммунистларнинг уюшқоқлиги, бирдамлиги асосида ўтказилиши зарур. Йиғилишларда ишлаб чиқариш планларининг сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича қандай бажарилаётганлиги, идеология ишларининг қўйилиши, коммунистларнинг меҳнат активлиги даражаси кенг ва атрофлича анализ қилиниши керак. Лекин йиғилишлар мутлақо тантанабозликкa айлантирилмаслиги лозим. Ишдаги хато ва камчиликлар дадил ва ошкора очиб ташланиши, қийинчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилиши керак. Модомики ҳар бир коммунист ўз партия ташкилотининг умумий ишидан манфаатдор ва шу коллектив иши учун кўпчилик қатори баббаравар жавобгар экан, у ҳисобот-сайлов йиғилишида сукут сақлашга ёки қуриқ бефойда сўзлар айтиш билан чекланишга ҳаққи йўқ.

Ҳисобот-сайлов вақтида қандайдир айрим ходимларнинг шахсий тазйиқ ўтказишлари сингари ёки бошланғич партия ташкилоти раҳбарлик составига олдиндан тайёрлаб қўйилган номзодлар рўйҳатини тавсия этиш каби чекланган ва партия ички демократиясига муносиб бўлмаган ҳолларга қатъиян барҳам бериш керак. Ҳар бир номзодни коммунистларнинг ўзлари кўрсатсинлар ва бу номзодларнинг коллективда тутган мавқеълари, ишчанлик, ташкилотчилик қобилиятлари, сиёсий ва умумий билим даражалари чуқур ўрганилиши зарур.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари партиянинг ғоявий сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган ҳисобот-сайлов йиғилишларини ҳамма жойда юксак савияда, барча коммунистларнинг актив қатнашуви билан ўтказилишига эришишлари лозим. Раҳбар ходимларнинг бу йиғилишларда бевосита иштирок этишлари, коммунистларнинг истак-орзуларини, талаб ва эҳтиёжларини ўрганишлари, ҳал этилмаган масалаларни қандай ва қай усулда амалга ошириш юзасидан маслаҳатлар беришлари керак.

Қишлоқ партия ташкилотлари, барча колхозчи ва совхоз ишчиси бўлган коммунистлар ўз йиғилишларида ҳар бир кишининг, пахта дея нафас олаётган, шу мўътабар интернационал бурчи туфайли совет халқлари умуммеҳнат таҳсимотида муносиб ўрин олаётган ҳар бир ватанпарварнинг 3 миллион 650 минг тонналик улкан хирмонимизга қандай ҳисса қўшаётганлиги очиқ-равшан белгилаб олиниши зарур.

Партия ҳаётида, ягона мақсад йўлида курашаётган, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бораётган коммунистлар ҳаётида жуда катта аҳамият касб этган ҳисобот-сайлов йиғилишлари — партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар даражасини янада юксакликка кўтаришда, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал эта боришда шубҳасиз катта роль ўйнайди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг коммунист ўртоқ А. Абдураҳмонов бошлиқ бригадаси далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилаётир. Тўрт марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинган, бешинчи марта қондириб суғорилаётган барча майдонлардаги ҳар бир туп ғўзада 20 тадан ҳам кўпроқ кўсак санаш мумкин. Бригада аъзолари 152 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга бел боғлаганлар. Ҳосилнинг 80 процентни машиналар билан териб олинади. Суратда: бригада бошлиғи Абдулла Абдураҳмонов ва илғор суғарувчи Турдиали Иброҳимов ўртоқлар пахтазорда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МЎЛ-КЎЛ КОНСЕРВА

Андижон консерва заводи коллективи консерва тайёрлаш етти йиллик программасини муддатидан илгари адо этди. Корхона 1959 йил бошидан бери мева, сабзавот ва помидордан 140 миллион банка консерва тайёрлаб чиқарди.

Қуйидаги рақамлар завод қуввати қандай тез суръатлар билан ўсганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Шу йилнинг салкам саккиз ойи давомида қариб ўн олти миллион банка консерва ишлаб чиқарилди. Бу — етти йилликнинг бутун биринчи йилида тайёрланган консервадан кўпдир. Яқинда помидордан ҳар хил маҳсулот тайёрлайдиган автоматлаштирилган комплекснинг биринчи навбати ишга туширилди.

Завод шу йилнинг охиригача пландан ташқари ўн беш миллион банкага яқин консерва ишлаб чиқаради. Бу — етти йилликнинг биринчи йилида тайёрланган консерва миқдорига тенг бўлади.

(ЎзТАГ).

А. Н. Косигин ҳузурида қабул маросими

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Япония парламенти вакиллар палатасининг раиси Нака Фунадани 24 августда Кремлда қабул қилди.

А. Н. Косигин билан Н. Фунада ўртасида дўстона суҳбат бўлди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика қурилиш ташкилотларида узоқ йиллар давомида ва самарали ишлаганлиги ҳамда эллик ёшга тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қурилиш министри Суннат Иброҳимович **Иброҳимов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

(ЎзТАГ).

Сўнгги соатда

Занжибар экономикасини ривожлантиришнинг уч йиллик планига муворфиқ, Махонда деган жойда (Занжибар шаҳрининг шимолида) қурилган биринчи саноат корхонасини тантанали очиш маросими бўлди. Германия Демократик Республикасининг ёрдами билан оролда қурилган гуруч заводи ишга туширилди.

●

Ўзбекистон республикаси территориясида олтинга бой бўлган янги майдонлар топилди. Олимлар ва геологлар Ўзбекистонда соф ҳолда топилаётган олтинга доир қимматли материал тўплаганлар. Кенг қидириш ишлари олиб бориш натижасида республиканинг рудали районларида олтин чиқадиган жойлар борлигини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бу районлар Уралда олтин чиқадиган кенг зоналарга эга бўлган рудали катта районнинг шарқи-жанубдаги давоми деб фараз қилиш мумкин.

●

АҚШ авиацияси кеча Вьетнам Демократик Республикасига яна ҳужум қилди. Вьетнам информация агентлигининг хабарида айтилишича, Америка самолётлари Нинь-Бинь ва Тхань-Хоа вилоятларидаги алоқа йўлларини бомбардимон қилганлар. Шу ҳужумлар вақтида душманнинг бешта самолёти уриб туширилди. 1964 йилнинг 5 августидан бери уриб туширилган Америка самолётларининг ҳаммаси 491 тага етди.

●

ХИМИЯВИЙ ЖУН-НИТРОН ОЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН АГРЕГАТ БЕШ ХИЛ ИШНИ БАЖАРАДИ. МАШИНА ТОЛАНИ ФОРМОВКА ҚИЛАДИ, ПАРДОЗЛАЙДИ, ҚУРИТАДИ, ПИШИТАДИ ВА КАЛАВА ҚИЛАДИ. ЛЕНИНГРАДДАГИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ БИРЛАШМАНИНГ АСОСИЙ ЗАВОДИДА АНА ШУ ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИНИ ЯИҒИШ ТУГАЛЛАНДИ.

●

Бу йил фойдаланишга топширилaдиган Тамбовдаги Никифорова қанд-шакар заводи қурилишида ускуналарни монтаж қилиш тугалланди. Мамлакатда энг йирик бўлган бу янги завод бир суткада 50 минг центнер қанд лавлагини қайта ишлашга мўлжалланган. Бу ерда ҳар куни 40 вагон чамаси қанд-шакар ишлаб чиқарилади. (ТАСС).

ҲОСИЛНИ КУТЯПМИЗ

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

Пахтакорларимиз пешана тери тўкиб етиштирган ҳосил бизнинг корхоналаримиз учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Унинг ҳар граммини қадрлаймиз. Уни сира нобуд қилмай қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш пахта тозалаш саноати корхоналари коллективларининг шарафли ишидир. Ўтган йилги ҳосилни тўла ишлаб жўнатдик ва янги ҳосилни қайта ишлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратдик.

Етти йилликнинг ўтган 6 йили натижаларини кўриб чиқдик. Кейинги 6 йил ичида заводимиз техника ва иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан анча юксалди. Планга қўшимча равишда 5020 тонна тола ҳамда 1432 тонна момиқ ишлаб чиқарилди. 2191 тонна хом ашё иқтисод қилинди. Тойлаш учун ишлатиладиган 70 минг квадрат метр дағал газлама, 20 тоннадан кўпроқ сим ва 2933 минг киловатт-соат электр энергияси тежалди. Хом ашё ва материалларни тежаш ҳисобига 6 йил ичида ҳаммаси бўлиб 798 минг сўм маблағ иқтисод қилинди.

Пахтани қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга илғор техника ва прогрессив технологияни жорий этиш йўли билан маҳсулот тайёрлаш таннархи 1244 минг сўм арзонлашди. Планга қўшимча равишда қўрилган фойда 1 миллион 195 минг сўмни ташкил этди. Коллективимиз етти йилликнинг якунловчи йилида ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Етти йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Ярим йил ичида пландан ташқари 775 тонна тола ва 218 тонна линт ишлаб чиқарилди. Материал ва маблағларни тежаб-тергаб ишлатиш туфайли 191 минг сўм иқтисод қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи 79 минг сўм арзонлашди.

Завод партия ва касаба союз ташкилоти корхонада ҳамда тайёрлаш пунктларида коммунистик меҳнат мусобақасини авж олдиришга катта эътибор бермоқда. Коммунистчасига яшаш ва ишлаш мусобақаси бутун коллективнинг шиори бўлиб қолди. Бу ҳаракатда бутун завод коллективи қатнашмоқда. 227 ишлаб чиқариш илғори ва 9 бригада келажак разведкачилари мусобақасида ғолиб чиқди. Ғулом Ҳамроқулов, Л. Тефуков ўртоқлар бошлиқ бригадалар коммунистик меҳнат мусобақасига қўшилиб ишлаб чиқаришда энг юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Прессловчи М. Охунов, жин машинасини бошқарувчи К. Енилеева, линтерчи А. Раҳмонова, слесарь Д. Ҳасанов, механик Н. Носиров ва бошқа ўнлаб ишчи ҳамда мутахассислар илғор тажрибаларга амал қилиб, билганларини бошқаларга бажонидил ўргатаётирлар.

Корхонадаги ҳамма бригадалар ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Қолоқ бригадалар йўқ. Аввалги йилдаги муваффақиятларни мустаҳкамлаб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўли билан янги-янги марраларни кузламоқдамиз. Ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходим корхона шуҳрати, тайёрланган маҳсулотнинг сифати учун жон қўйдиради. Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор ташкилий ва техникавий тадбирлар амалга оширилди. Партия ва касаба союз ташкилотлари билан бамаслаҳат сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сабаблари синчиклаб ўрганилди. Йўл қўйилган камчиликларни тугатиш ва сифатсиз маҳсулот тайёрлашга барҳам бериш учун конкрет тадбирлар амалга оширилди.

Шунинг натижасида завод олти ой мобайнида сифат кўрсаткичларини анча яхшилади. Қийбатда 40 минг сўм соф фойда кўрилди. Корхонамиз коллективининг 1965 йил учун олган социалистик мажбуриятида бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш белгиланган. Ана шу маррани ҳам эгаллаш учун кураш кундан-кунга кучаймоқда. 1964 йилда етиштирилган пахтани пунктлардан ўз вақтида заводга ташиб келтирганмиз. Уларнинг ҳаммасини қайта ишлаб бўлдик. Ҳозирги кунда янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик ишларини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юбордик.

М. Исоқов раҳбарлик қилаётган Марҳамат тайёрлаш пункти, Шавқиев, Мирзаахмедов, Матёқубов ўртоқлар бошқараётган Қорақўрғон, Ниёзбойтир, Қадим пахта тайёрлаш пунктларининг коллективлари янги ҳосилни қабул қилишга пахта тайёргарлик кўрдилар. Бу пунктларда ўтган йилги ҳосил сира нобуд қилинмай, авайлаб сақланди. Заводга ўз вақтида етказиб берилди. Пахтадан бўшаган майдонлар кенгайтирилди, пахта қабул қилишни механизациялаштиришга ёрдам берадиган ускуналар тахт қилиб қўйилди.

Завод пунктларида ака-ука Биковлар таклифи асосида ишлаб чиқарилган барабанлардан кўплаб ўрнатилмоқда. Ички резервлардан кенг фойдаланилмоқда. Барабанларни ўрнатиш ва қуритиш хўжаликларини янги мавсумга ҳозирлаш тугалланди. Қорақўрғон ва Қадим пунктларида қўшимча равишда иккита тозалагич ускуналар ўрнатилмоқда. Бешта тозалаш ва қуритиш цехи суюқ ёнилғи билан ишлашга кўчирилди. Заводни капитал ремонт қилиш даврида кўпгина ускуналар янгиланди. Улар маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам беради. Янги тозалаш цехи ишга туширилди. Линт ҳамда момиқ тозалайдиган ускуналар ўрнатилмоқда. Пахтани қам қуритадиган, ҳам тозалайдиган барабан ўрнатиляпти.

Пахта тозалаш саноати ходимларининг янги ҳосилни бетўхтоқ қабул қилишга шай бўлиб туришдан ҳам заруррроқ ишлари йўқ. Бошланган барча ишларни барвақт тугаллаш, ўрнатилаётган ускуналарнинг тезроқ ишга туширилиши учун ҳамма тадбирлар кўрилмоқда.

Гап келиб қолганда айтиб қўяқолай: корхонани ремонт қилиш ва ускуналарни монтажлаш даврида бир қатор қийинчиликлар тугилмоқда. Ускуналар корхонамизга ўз вақтида етказиб берилмаётир. Юборилаётган эҳтиёт қисмларнинг сифати жуда паст. Тошкентдаги «Ўзхлопкомаш» заводи тайёрлаб бераётган ускуналарнинг сифати ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Шнекли тозалагичлар ва лентали таъминлагичлар корхонада ўрнатилаётганда жуда кўп қийинчиликлар тугилмоқда. Озарбайжонда, Боку машинасозлари етказиб бераётган ускуналар ҳам корхонамизни реконструкция қилаётганларни хурсанд қилмаяпти. Машинасоз ўртоқлар, пахта тозалаш заводлари учун сифатли ва чидамли ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмларни етказиб беришингизни истаймиз. Пахта тозалаш саноати учун машина-ускуналар яратиш соҳасида ишлаётган илмий ходимлар ҳам тола ва линтни осон тозалашга ёрдам берадиган ускуналар яратиш ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари зарур. Пахтани тезроқ қуритиб олишга ёрдам берадиган ускуналар яратишда ҳам сиздан умидимиз катта. Пахтани ғарамлашни, пунктга келган ҳосилни механизмлар ёрдамида қабул қилиб олишни осонлаштирадиган машина-ускуналарга ҳам муҳтожмиз.

Машиналаримиз шай бўлса, заводларимиз яхши ишлайди. Бинобарин, биз тўқимачилик саноатига сифатли тола ҳамда бошқа материалларни кўпроқ етказиб берамиз. Бизнинг бутун эътиборимиз янги ҳосилни сира нобуд қилмай ва бетўхтоқ қабул қилиб олишга қаратилган.

Н. КРИВЧУН,
Андижондаги Ленинск пахта тозалаш заводининг директори.

КПСС ВА ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

23 августда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган Социалистик партияси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов ва Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Вальтер Ульбрихт (у ҳозир СССРда дам оляпти) қатнашдилар.

Самимийлик ва қардошларча бирлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида ҳар иккала партияга таалуқли масалалар хусусида, шунингдек ҳозирги халқаро аҳволнинг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг баъзи проблемалари хусусида фикрлашиб олинди.

ТЕРИМ ОЛДИ АНКЕТАСИ

ЧАВАНДОЗЛАР, ШАЙЛАНИНГ!

Мухбирингиз хоразмлик механик-ҳайдовчилардан бир группаси билан суҳбатлашиб, уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

— **Теримга шаймисиз?**

— **Бу йилги режангиз қандай?**

— **Машина теримини яхшироқ ташкил этиш юзасидан қандай таклифларингиз бор?**

Турсуной Охунова издошларидан Ўрганч районидаги «Пахтакор» колхозининг бригадир-механизатори, СССР Олий Советининг депутати **Ойша Жуманиёзова:**

— «Зангори кема»ни ўз қўлим билан аъло ремонт қилиб, парвозга тайёрлаб қўйдим. Бригадамизда пахта ҳосилининг камида 50 процентини машинада термоқчимиз. Мен бригада бошлиғиман. Демак, ишлаб чиқаришда командирлик қилишим керак. Бунинг устига «зангори кема» рулига ўтириб, камида юз тонна пахта териб бераман.

Қолоқ бригадага ўз хоҳишим билан бошлиқ бўлиб келганимга икки йилдан ошди. Бу йил 40 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилганмиз. Ҳосил сероб. Ғўза парваришини ва терим тараддудини бир-бирига боғлаб олиб борямиз. Машинага ажратилган далалар ўтдан тозаланди. Ғўза тупларида очилган кўсаклар кўпая бошлади. Дефолиацияни сентябрнинг биринчи ҳафтасида ўтказишга қарор қилдик.

Фикримча, машина теримини группа усулида ташкил этиш маъқул. Ўтган йилги бир нотўғри практикадан воз кечмоқ керак. Машинани бўлар-бўлмасга далага киритаверишнинг ҳожати йўқ. Пахтанинг нормал очилишини ҳисобга олиб, икки-уч марта терим ўтказилса бас. Бу ҳақда мутахассислар ва касбдошларим ўз фикрларини айтарлар.

Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхозининг механик-ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор **Ҳалима Ҳошимова:**

— Ойша опомлар айтганидек, мен ҳам «ХТ-1,2» маркали машинани барвақт ремонтдан чиқардим. Заводдан янги чиққандек ялтираб турибди. Стартга тайёрман. Лекин салгина вақт бор. Фурсатдан фойдаланиб, ўзим ишлайдиган далани эгатма-эгат оралаб чиқдим. Бегона ўт йўқотилган. Ғўза машинабоб бўлиб ўсган. Машина қайтадиган жойлар текисланган.

Дастлабки аҳдим 120 тонна эди. Бир группа илғор пахтакорларнинг очиқ хатидан руҳланиб, оширилган мажбурият олдим. Машинада 140 тонна «оқ олтин» теришга сўз бердим.

Колхозимиз правленнеси ва партия комитети йиғим-терим даврида илғор группа учун кўчма Қизил байроқ, пешқадам механик-ҳайдовчилар учун вимпел таъсис қилишга, мусобақа натижасини ҳар ўн кунда якунлаб боришга, голибларни рағбатлантиришга қарор қилдилар. Бу — жуда яхши.

Мен ҳар бир колхозда «Шавкатли меҳнат китоби» ташкил этиш зарур деб ҳисоблайман. Бу китобдан илғор механик-ҳайдовчилар ҳам муносиб ўрин олишлари керак.

Бу йил кўпгина ёшлар сафимизга қўшилди. Тажрибали механизаторларга мурожаат қилиб, ёшларни оталиққа олишга ва уларга ёрдам кўрсатишга чақираман.

Сўзимнинг охирида янгиариқлик илғор механизатор Гулистон Тангриберганованинг бир гап сўрамоқчиман: мен билан мусобақалашасизми?

Янгиариқ районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси **Гулистон Тангриберганова:**

— Беллашишга тайёрман, Ҳалимахон. Сиз 140 тонна дедингиз. Ўтган йили 100 тоннадан оширган эдим. Демак, бу йил ғайратни оширишим ва янада унумли ишлашим керак. Пойгага тайёрланган чавандоздек «пўлат от»ни созлаб қўйдим.

Юқорида Ойша опам тўғри айтдилар, Группа усулида ишлаганимиз маъқул. Пахта нормал очилган картадаги ҳосилни бир йўла териб олиб, сўнгра янги пайкалга кўчаверамиз. Терилган пахтанинг сифатини ва нобудгарчиликка йўл қўймасликни мусобақанинг асосий шартларидан бири деб ҳисоблаш керак. Терим вақтида бирорта ҳам машина бекор туриб қолмаслиги учун ҳар бир колхозда кўчма автомастерской ташкил этиш, техника хизматини яхшилаш лозим. Шунда ишимиз баракали бўлади.

* * *

«Зангори кема» капитанлари бир группа илғор пахтакорларнинг чақиригига амалий иш билан жавоб беришга ҳамда теримни машиналаштиришга кескин бурилиш ясашга қатъий қарор қилганликларини айтдилар. Режаларингиз амалда рўёбга чиқсин, қадамингиз забардаст бўлсин, дала гвардиячилари!

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САРКАРДА СОЗ — ИШ СОЗ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

«Коммунистлар пахта учун курашда шахсий намуна кучини, ташаббус ва ташкилотчилик кучини кўрсатаётган етакчи кишилар оммасининг саркардаларидирлар. Улар қаерда иш оқсаса, сусткашлик, оғир вазият юз берса, ўша ерда бўладилар».

(БИР ГРУППА ИЛҒОР ПАХТАКОР ЛАР МУРОЖААТИДАН).

Шанба кун эди. Радиодан СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотишдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини эшитиб қолган Сувон ишларни йиғиштириб қўйиб, колхоз почтахонаси томон йўл олди. Газеталарнинг шу кунги сони қали келмаган экан, почтальонлар билан бир оз гурунглашиб ўтирди. Газета-журналларни обуначиларга, хат ва телеграммалар эга-эгасига вақтида етказилятпими-йўқми деб суриштирди, почта ходимларининг оилавий аҳволи, рўзғор-тириқчилиги билан қизиқди.

Суҳбат охирига етмасданоқ, газета келиб қолди. Ҳамма янги қарорни ўқишга тутинди. Сувон ҳаммани 4 элликкина аммо. мазмуни, моҳияти минг-минглаб пахтакорлар қалбини севинч ва мамнуният туйғулари билан тўлдирадиган бу қарорни шу захотиёқ икки сидра ўқиб чиқди. Сўнг бухгалтерияга бориб, сўнгги уч йилда колхоз давлатга қанча пахта сотгани ҳақидаги маълумотларни олди.

Мана у ўз хонасида ҳисоб-китоб қилиш билан банд. Колхозда пахта ҳосилдорлиги 1962 йили 11.8 центнер, 1963 йили 17,9 центнер, ўтган йили эса 20,5 центнер бўлган. Демак уч йилда ҳар гектар ердан ўртача 16,73 центнердан бўлади. Бу йил 25 центнердан жами 4750 тонна хирмон кўтариш учун ҳамма имконият бор. Деман, бу йил олдинги 3 йилги ўртача кўрсаткичдан 1572 тонна кўп пахта сотамиз. Бунинг қарийб 600 тоннаси ингичка толали пахта бўлади. Ана энди чўт ташлаб кўрайлик. Агар 1572 тоннани нуқул 2 ва 3 сортлар баҳоси билан ҳисоблаганда ҳам колхоз янги қарорга биноан 400 минг сўмга яқин қўшимча фойда кўрар экан...

Шу ўтиришда у икки соатча ҳисоб-китоб қилди. Ўзи шу колхозда бир неча йил бригадирлик қилган, бош агроном бўлиб икки йил ишлаган Сувон Баротов бугун колхоз партия комитетининг секретари, 112 коммунистни бирлаштирган 14 бошланғич партия ташкилотининг командири, 120 агитаторнинг йўлбошчиси, 1200 колхозчининг сиёсий раҳбари. Шундай бўлгандан кейин партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар ҳақидаги ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлган янги қарорнинг ўз колхозлари учун, ҳар бир бригада, ҳар бир тракторчи, сувчи ва оддий колхозчи учун шу йилнинг ўзидаёқ қанчалик наф келтириши мумкинлигини у ишонтирарли далил ва ҳисоб-китоб билан тушунтириши керак. Шунинг учун ҳам у колхоз, ҳар бир бригада, тюпкочи звенолар қанчадан пахта бериши ва қанча қўшимча даромад олишини, ҳатто айрим илғор трактор чи ва сувчилар оладиган қўшимча ҳақни ҳақиқатга яқин тахмин асосида ҳисоблаб, блокнотига ёзиб олди. Бу ҳисобни раис Худойберди Ражабовга, партия комитетининг бошқа аъзоларига кўрсатди. Улар маъқуллагач, агитаторларни тўплаб, уларга янги қарор ва юқоридаги ҳисоб-китоблар пахта тушунтирилди. Улар ўз навбатида колхозчиларга уқтира бошладилар.

Бу ишларнинг натижаси шу бўлдики, беистисно ҳамма бригадада ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш сезиларли даражада кучайиб кетди. Мажбуриятни бажаришга етадиган кўсак тўпланди, энди ғўзани ўз ҳолига қўйиб, теримгача 5-6 кун дам олайлик деган бригадирлар ҳам йўқ эмас эди. Янги қарорни эшитгач, улар ғайратга кириб, яна бир марта культивация қилиб чиқиш, «шарбат» оқизишга зўр бериш, чеканласи чала бўлган жойларни тагин бир сидра кўздан ўтказиб чиқиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Хусусан Бўри Қўшшаев, Бўришо Жалилов, Жўра Мингбоев, Самад Қодиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шундай жонланиш юз берди.

Колхознинг 19 пахтачилик бригадасидан 10 тасига коммунистлар, 3 тасига комсомол аъзолари бошчилик қилмоқда. Бу бригадирларнинг ҳаммаси ўрта, махсус ўрта ва олий маълумотли, пахтачиликда кўзи пишган кишилар. Хўжаликда фан ютуқларини, илғорлар тажрибаси ва механизацияни кенг жорий этиш учун курашнинг амалий тарғиботчилари бўлаётганлар ҳам шулар. Масалан, коммунист агроном Исмоил Чўлиев бошлиқ бригада аъзолари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан, 35 гектар майдондаги ипак пахтанинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берган эдилар. Улар илғор агротехника қоидаларига амал қилиб, оз сувдан соз фойдаланиб мажбуриятни бемалол қоплайдиган ҳосил тўпладилар. Пахта карталарини ораласангиз бир текисда сершох бўлиб ривожланган, бўлиқ кўсаклардан маржон тақиб турган ғўзаларни кўриб «устасига офарин» демай иложингиз йўқ. Азаматлар оқ пахтанинг тўртдан уч қисмини машинада териб олмоқчилар. Парвариш шунга мўлжаллаб олиб борилди.

Ўтган йили 25 центнердан «оқ олтин» топширган коммунист Пўлат Каримовнинг бу йилги ахди натта — 40 гектар ипак пахтадан 22 центнердан, 65 гектар оқ пахтадан камида 30 центнердан бераميз, камида 60 гектар майдондаги ҳосилни машинада териб оламиз, — дейди у. — Машинамиз тахт, механизаторларимиз шай, майдонимизни 5-10 кун ичида дефолиация қиламиз.

Шунингдек, Ҳусан Жумаев, Жалол Турсунов, Тошмурод Қобилов ўртоқлар каби коммунистлар бошқараётган бригадаларда ҳам баракали ҳосил етиштирилди.

Коммунистларнинг жонбозлик кўрсатиб ишлашлари ишларга ижобий таъсир этяпти.

— Мен бу йил партия аъзолигига кандидатлар сафига кириш ниятидаман, — дейди комсомол аъзоси, моҳир механизатор Парда Неъматов. — Мени сафингизга қабул этинг, деб ариза берган ҳаммани ҳам олавериш майди, албатта. Шуни ўйлаб, правлениенинг рухсати билан ўтган кузда ёнимга тракторчи Ғулом Юсуповни, тажрибакор пахтакорлардан Райимназар ака Овлаев, Раҳмат Ғаффоров ва яна 4 йигитни олиб 80 гектар ер очдик. Яхшилаб ҳайдадик, ўғитга тўйдирдик, барвақт экдик ва ўз вақтида ишладик. Ягана ва чеканкадан бошқа ҳамма ишлар машинада бажарилди. Гектаридан 17 ўрнига 25 центнердан хирмон кўтаришга ваъда берган эдик. Мусобақадошлар, бош агрономимиз Карим ака ўттиз центнердан чиқади дейишяпти.

Оддий кишиларнинг зўр ихлос ва умид билан, ғайрат-шижоат билан ташаббускорлик кўрсатиб ишлаётганликларини бу ерда ҳар қадамда учратиш мумкин. Буни хўжалик эришган ва эришаётган кўрсаткичлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Колхоз аъзолари етти йилликнинг сўнгги йилида давлатга пилла, тухум, сут сотиш юзасидан олган мажбуриятларини анча ортиғи билан адо этдилар. Гўшт сотиш планини октябрь ойида бажаришмоқчи.

Хўжаликнинг асосий тармоғи бўлган пахтадан юқори ҳосил етиштириляпти. 1900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан, яъни бултургидан 4,5 центнер кўп «оқ олтин» етиштириш учун пухта замин яратилди.

Буларнинг ҳаммаси колхоз партия комитети ва унинг бошланғич ташкилотлари омма орасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларининг самарасидир. 120 агитатор колхоз клубларида, дала шийпонлари ва хонадонларда тушунтириш ишларини мунтазам олиб формоқдалар. Колхоз комсомол, касаба союз комитетлари, хотин-қизлар совети партия ташкилоти раҳбарлигида фаол ишламоқда. Колхоз маданият саройида физкультура ва спорт, бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик, ўлкани ўрганиш тўгараклари дуруст ишлаб турганлиги, областда биринчи музика меҳмонхонаси шу ерда очилгани, маданият университетида 100 дан ортиқ колхозчи таълим олаётгани, юзлаб колхозчиларнинг олий ўқув юртлари ва техникумларда сиртдан ўқиётгани фикримизнинг далилидир.

Колхоз партия комитети ўзининг олдиндан пухта ўйлаб тузилган планли иши ва жўшқин фаолияти билан колхоз ишлаб чиқаришини юксалтиришга, колхозчиларни коммунистик руҳда тарбиялашга актив таъсир кўрсатмоқда.

З. ИСРОИЛОВ.
Қарши районидаги «Ленинизм» колхози.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИДА

ДАФТАРЛАРНИНГ ҚОҒОЗИ ОППОҚ БЎЛСИН

Қоғоз корхоналарининг конвейерларидан ўқувчиларга аталган миллион-миллион дафтар чиқиб туради. Ана шу катта оқимда ажойиб маҳсулотга иккинчи сорт маҳсулот ҳам аралашиб қолади.

«Дафтар дарёси»нинг ранги бир хил бўлмоғи учун ҳозир кўп ишлар қилинмоқда. СССР Халқ хўжалиги кенгаши ўқувчиларнинг дафтарлари ва шу дафтарларга ишлатиладиган қоғоз сифатини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу маҳсулотни тайёрлашнинг мукаммалроқ технологияси ишлаб чиқилмоқда. Дафтар етказиб берувчи энг йирик корхоналардан Москвадаги «Восход» бирлашмаси билан Ленинграддаги «Светоч» фабрикаси нуқул 1-ёзув қоғози оладиган бўлади.

Мактабларнинг заказларини бажарадиган ҳамма комбинатлар янги серунум ускуналар олади.

(ТАСС мухбири).
Москва.

ОҲАНГАРОНДАГИ 9-шахта коммунистлари Шахтёрлар кунини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишяпти. Улар йил бошидан буён планга қўшимча равишда 24 минг тонна ёқилғи қазиб чиқардилар. Суратда: шахтанинг илғор проходначиси Юрий Занкин.

В. Лейзерович фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

УЛУҒ САНАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБЛАР

Совет халқи Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини тантанали суратда нишонлашга тайёрланмоқда. Сиёсий адабиёт нашриётининг 1966 йилга мўлжалланган ва яқинда тасдиқланган иш плани ана шу шонли саналар олдидан қандай тайёргарлик кўрилишини назарда тутади.

Сиёсий адабиёт нашриёти улуғ доҳийнинг партия ва давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг энг муҳим илмий-назарий проблемалари ва актуал масалаларига бағишланган айрим асарларини нашр этишни давом эттиради. В. И. Ленин танланган асарлари уч томлиги, «Россияда капитализмнинг тараққиёти» китобига тайёргарлик материаллари», «Аграр масала юзасидан дафтарлар», «К. Маркс ва Ф. Энгельснинг бирбирларига ёзган хатлари» конспекти», Лениннинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисидаги, партиянинг идеологик иши ҳақидаги, совет социалистик демократияси ва бошқа масалалар ҳақидаги асарлари тўпламлари босиб чиқарилади.

Владимир Ильич ҳаётининг айрим даврларида унинг фаолиятига бағишланган тадқиқот ва мемуар адабиёт янги планга мувофиқ, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёрланаётган нашрлар билан айни бир вақтда чиқарилади. Булар орасида «В. И. Ленин. Биографик хроника», «В. И. Ленин — улуғ назариячи», «В. И. Лениннинг иш услуби», «В. И. Ленин Октябрь штабида», Владимир Ильичнинг Кремлдаги кутубхонасининг «Ленин — устоз» номли публицистик обзори бор. Сиёсий адабиёт нашриёти Лениншунослигининг тўртинчи томи — «Планетанинг Ленин гвардияси»ни ҳам китобхонларга тақдим этади. Бу тўпламда В. И. Лениннинг дўстлари ва сафдошлари — халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати арбоблари тўғрисида атоқли совет ёзувчилари ёзган 26 бадиий очерк бор.

«Партия ва Ленин — эгизак қардошлар...» В. Маяковскийнинг шу сўзлари «Партиям тўғрисида қисса» тўпламининг асосий мазмунини аниқ белгилаб беради. Тўплам Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан тайёрланди. Академик Н. Семенов, Севастополь қаҳрамона мудофаасининг қатнашчиси М. Байда, композитор Т. Хренников, Таллиндаги машинасозлик заводининг ишчиси А. Валдов ва бошқалар бу китобда Ленин партияси тўғрисидаги, партия ўз ҳаётларида қандай роль ўйнаганлиги тўғрисидаги самимий гапларини ёзадилар. Китобхон «Қаҳрамонона 50 йил», «Октябрь яратган, жангларда енгилмаган, шон-шуҳрат билан порлаганлар» китобларида, «Улуғ ғалабалар эстафетаси» справочникида кўпгина образли, ёрқин саҳифаларни топади.

Тематик планнинг катта бир қисми пропагандистларга ва сиёсий маориф системасининг тингловчиларига бағишланган. КПСС тарихини ўрганувчилар асосий дарсликнинг янги нашридан ташқари партия тарихи олти томлигининг галдаги китобларига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси фаолиятининг айрим проблемалари ва даврларига таллуқли китобларга ҳам эга бўладилар.

Марксча-ленинча фалсафани, илмий коммунизмни ва коммунистик тарбия проблемаларини ўрганувчилар «Марксча-ленинча фалсафа», «Эстетика» дарсликларини, илмий коммунизм асослари ва илмий коммунизм назариясига бағишланган китобларни оладилар. Иқтисодий темаларда ҳам ўқув китоби ва методик адабиёт нашр этилади. «Халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати» китоби ҳам нашр этилади.

«Қаҳрамонлар ва зафарлар», «Замон ва кишилар», «Диндорлар билан суҳбат», ишчи аёл кутубхоначаси ва оилада ўқиладиган китоблар каби традицион бўлиб қолган нашрлар ҳам китобхонларга жуда манзур бўлиб қолди. Эндиликда бу нашрлар янги серия лар билан тўлатилади. «Турмуш тўғрисида ва ўзим ҳақимда» номли серия ана шу янги серияларнинг биридир. Бу китобларда замонамиз ажойиб кишиларининг ўз хотиралари баён қилинади. Ижтимоий-сиёсий, атеистик ва ахлоқ темаларидаги адабиёт ҳам, шубҳасиз, китобхонларга манзур бўлади.

Сиёсий адабиёт нашриёти китобхонларга тақдим этадиган китоблар таниқли партия ва хўжалин ходимлари, ёзувчилар, жамоат арбоблари, олимлар ва педагоглар томонидан турли жанрларда ёзилган. Буларнинг кўпи авторлар коллективларининг биргаликда қилган ижодий ишлари самарасидир.

(ТАСС мухбири).
Москва.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ

Ҳозирги давр — капитализмдан социализмга революцион ўтиш давридир. Социализм ва коммунизм қураётган жаҳон социалистик системасидаги халқ оммасининг, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи революцион ҳаракатининг, халқлар миллий озодлик курашининг, ҳамма қитъалардаги умумдемократик ҳаракатларнинг империализмга қарши кураши бир бутун ҳолда бирлашиб кетаётганлиги жаҳондаги революция жараёнини, унинг характери ва мазмунини белгилаб бермоқда. Ана шу революцион кучларнинг ҳаммаси империализмни, эски ва янги мустамлакачиликни ҳамда умуман капиталистик системани тугатишда гоят катта, тарихий роль ўйнамоқда. Лекин ҳозирги замон жамиятининг энг илғор кучи бўлган халқаро ишчилар синфи ва унинг асосий ғалабаси — жаҳон социалистик системаси қонуний равишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ижодий марксизм-ленинизмнинг берган объектив баҳоси ана шундай.

Мустамлакачиликни супуриб ташлаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракати — замонамизнинг буюк ҳаракатидир. Ҳозирги шароитда миллий озодлик ҳаракати ўз тараққиётининг янги, янада юксак босқичига кирди. Бу босқичнинг моҳияти қандай? Бунинг моҳияти шундан иборатки, эндиликда халқларнинг озодлик ҳаракати олдида фақат миллий жиҳатдан озод бўлиш вазифаларигина эмас, шу билан бирга соціал жиҳатдан озодликка эришиш вазифалари ҳам турибди. Илгари озодлик ҳаракати аввало янги мамлакатлар ва халқларни мустамлакачилик системасидан ажратиб олишга қаратилган, яъни сиёсий мустақилликни қўлга киритишни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган бўлса, ҳозирги замон шароитида озодлик ҳаракати социал-иқтисодий тараққиёт, қолоқликни ва империалистик давлатларга карамликнинг иқтисодий илдизларини батамом тугатиш масалаларини олдинги ўринга чиқариб қўймоқда.

Бинобарин, эндиликда миллий озодлик ҳаракати асосан ичкарига қараб, яъни иқтисодий ва маданий равнақ топиш йўлидан ривожланмоқда. Озодликка эришган ва тараққиётнинг нокапиталистик йўлига тушиб олган бир қанча мамлакатларда миллий озодлик революциялари социалистик революция вазифаларини ҳал қилишга жуда яқиндан ёндаша бошлади.

Урушдан кейинги даврда собиқ мустамлакачилик олминнинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Миллий озодлик ҳаракати Бельгия, Италия, Япония сингари мустамлакачилик империяларининг барҳам топишига олиб келди. Британия, Франция, Голландиянинг Осиёдаги мустамлакачилик империялари емирилди. Империализм мустамлакачилик системасининг умри аслини олганда тугади. 1919 йилда ер юзидаги бутун аҳолисининг 69,9 проценти мустамлакачилик зулми остида эзилган бўлса, эндиликда асоратда дунё аҳолисининг бир процента азоб чекмоқда. Илгариги мустамлакачилик дунёси аҳолисининг 95 проценти мустамлакачилар зулмидан халос бўлди. Урушдан кейинги даврда 55 дан ортиқ мустақил давлат вужудга келди. Биргина Африканинг ўзида ҳозир 36 та мустақил давлат ривож топмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, урушдан кейинги дастлабки ўн йил ичида фақат уч мамлакатда мустамлакачилик режими метрополия лар билан миллий ташкилотлар ўртасида битим тузиш йўли билан тугатилган бўлса, 10 дан ортиқ давлат қурол кучи ёрдами билан мустақилликка эришди. 1956 йил билан 1962 йил ўртасидаги даврнинг ичида эса 35 мустамлака орасидан 33 давлат қуролли кураш олиб бормасдан озодликни қўлга киритди. Кубада антиимпериалистик революция кучайиб бориб, социалистик революцияга айланди.

Ҳозирги вақтда миллий озодлик ҳаракати мустамлакачи режимларнинг қолдиқларини тугатишнинг сўнгги, ҳал қилувчи босқичига қадам қўйди. Ҳали ҳам 15 миллион киши Англиянинг, қарийб 12 миллион киши Португалиянинг, 1,5 миллионга яқин киши Франциянинг, 500 мингга яқин киши Голландиянинг, 2,8 миллионга яқин киши АҚШнинг қўлидаги мустамлакаларда қаёт кечирмоқда. Мустамлакачиликнинг ана шу шармандали оқоллаларини йўқотиш- урос давом этган мустамлакачилик жабр-зулмининг оқибатларига барҳам бериш, мустамлакачилик зулмини сақлаб қолиш учун империалистик давлатлар томонидан ишлатилаётган янги шаклдаги ҳийла-найрангларга қаршилик кўрсатиш халқлардан зўр бериб кучғайрат сарфлашни талаб қилади.

Илгари эзилиб келган халқларнинг кўпи сиёсий мустақилликни қўлга киритди ва бу билан озодлик ҳаракатининг бошланғич босқичидаги вазифаларни асосан тугал бажариб бўлди. Лекин бу мустақиллик ҳали мустаҳкам эмас. Осиё ва Африкадаги озодликка эришган давлатларнинг талайгина қисма, шупингдек Лотин Америкаси мамлакатлари ҳали ҳам империалистик давлатларнинг контроли остида турибди, империалистик давлатлар ёш давлатларнинг сиёсий мустақиллигини жиддий равишда чеклаб қўймоқда. Бу ҳол Лотин Америкасидаги кўпчилик мамлакатларнинг мавқеида айниқса сезилиб турибди.

Шимолий Америка монополияларининг иқтисодий ҳукмронлиги Гватемала, Сальвадор, Гондурас, Никарагуа, Коста-Рика, Гаити ва бошқа шу каби мамлакатларнинг миллий суверенитети жиддий равишда чекланиб қолишига ва ҳатто ҳақиқатда қўлдан бой бериб қўйилишига олиб келди. Ҳозирги замонда мустамлакачиликнинг асосий таянчи бўлган АҚШ Осиё ва Африка қитъасидаги озодликка эришган давлатларни сиёсий жиҳатдан асоратга солиб қўйишга интилмоқда. АҚШ Филиппиннинг сиёсий мустақиллигини чеклаб қўймоқда, Англия Малайзия деган қўғирчоқ давлат тузди, Франция экваториал Африкадаги ёш давлатларнинг суверенитетини қаттиқ қирқиб қўйди, Бельгия АҚШ ва бошқа империалистик давлатлар билан биргаликда ўзининг Конго (Леопольдвиль)даги қўғирчоғи Чомбени қўллаб-қувватламоқда. Бироқ, озодликка эришган давлатларнинг кўпчилиги империализмнинг сиёсий системасига кирмаган бўлиб, халқаро ишларда каттагина сиёсий кучга айланди.

Равшанки, тўла сиёсий мустақиллик учун олиб борилаётган кураш ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Ҳар қанча қийинчиликлар бўлишига қарамай, империализм ва янги мустамлакачиликка қарши олиб борилаётган кураш халқаро миқёсда миллий ҳаракатни бирлаштирмоқда ва жипслаштирмоқда. Озодликка эришган халқлар илгари фақат ўз мамлакатининг эзилмаларига қарши кураш олиб борган бўлсалар, эндиликда уларнинг куч-ғайратлари бутун империализм системасига қарши қаратилгандир.

Озодликка эришган мамлакатлардаги халқ оммаси миллий мустақиллик ўзимизнинг моддий аҳволимизни яхшилаши, қашшоқлик билан ноқонликни тугатиши ва давлат ишларини ҳал қилишда иштирок этишимизни таъминлаб бериши керак, деб умидвор бўлмоқдалар ва шунга эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу вазифаларни ҳал қилмоқ учун тубдан социал ислоҳотлар ўтказиш талаб қилинади. Шу муносабат билан бундан буён ривожланишнинг ё капиталистик ёки нокапиталистик йўлини танлаб олиш проблемаси майдонга қўйилмоқда.

Аввало ривожланишнинг нокапиталистик йўлидан бориш асосида революцион-демократик ўзгаришлар ясаш ва ҳалқ оммасининг турмушини тез яхшилаш мумкинлигини социалистик давлатларнинг ривожланиш тажрибаси кўрсатиб турибди. Озодликка эришган мамлакатларнинг ривожланиш соҳасидаги ўз тажрибаси ҳам шунга далил бўлмоқда. Баъзи экономистларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир қанча собиқ мустамлакалар капиталистик йўлни танлаб олсалар, фақат XXI асрнинг охирига етгандагина Европадаги буржуа мамлакатларнинг ривожланиш даражасига эриша оладилар. Капитализм шароитида халқаро меҳнат тақсимоти, капиталистик монополиялар ёш мамлакатларнинг экономикасидаги асосий позицияларни босиб олиши миллий жиҳатдан озодликка эришиш ва миллат сифатида тарқиб топиш проблемаларини ҳал қилишга ҳали улгурмаган ёш давлатларга зарарли таъсир кўрсатади.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилги Баёнотида уқтириб ўтилганидек, нокапиталистик ривожланиш йўли — ҳар қандай қолоқликни тугатиш ва ўз турмуш шароитларини яхшилашнинг энг тўғри йўли эканлигига халқ оммаси тобора кўп ишонч ҳосил қилмоқда. Капиталистик давлатларнинг ривожланишидаги тарихий тажриба шуни тасдиқлаб турибдики, халқлар фақат революцион — социалистик ўзгаришлар ясаш натижасидагина миллий ва социал жиҳатдан тўла озодликка эриша оладилар.

Ўз-ўзидан маълумки, нокапиталистик йўлга ўтиш учун муайян ички ва ташқи шароитларнинг бўлиши талаб қилинади. Ўзининг иқтисодий ва сиёсий тараққиётида орқада қолган мамлакатлар капиталистик давлатларнинг ёрдами билан капитализм босқичини четлаб социализмга ўтишлари мумкинлигини Ленин олдиндан башорат қилган эди. Ленининг бу фикри қардош партияларнинг программ ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Бу ҳужжатларда миллий демократия давлати нокапиталистик ривожланишга мос бўлиб тушадиган давлат формаси бўлиши мумкин деб таъкидланади. Ҳиндистон, Марокаш, Цейлон ва бошқа мамлакатларнинг коммунистлари ана шундай давлатни барпо этиш ғоясини энг яқин фурсатда амалга оширилдиган вазифа сифатида илгари сурмоқдалар.

Жаҳон социалистик системаси нокапиталистик йўлга ўтишни енгиллаштирувчи ва доимо ҳаракат қилиб турувчи энг муҳим ташқи омилдир. Социалистик система давлатлари ривожланаётган мамлакатларга бегараз иқтисодий, техникавий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар, уларни империалистик давлатларнинг интервенциясидан муҳофаза қилмоқдалар. Ишчилар синфи, халқ оммаси, интеллигенция, революцион демократик партиялар ва ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларни тараққий эттирувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, нокапиталистик ривожланиш йўлига ўтишни таъминлаб беради. Бундай йўл мамлатнинг мутлақ кўпчилиги манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Сони ва уюшқоқлиги узлуксиз суратда ўсиб бораётган ишчилар синфи миллий, умумдемократик фронтда миллий манфаатлар ва социал тараққиёт учун энг изчил курашчи ҳисобланади. Марксча-ленинча партиялар бўлмаган ёки заиф бўлган ҳамда ҳали етарли даражада таъсир орттирмаган жойларда миллий озодлик кураши ва социал ўзгаришларга революцион демократик партиялар раҳбарлик қилмоқда. Шуниси гоят диққатга сазоворки, миллий озодлик, демократик революциянинг ўсиб, социалистик революцияга айланиш жараёнида ана шу партияларнинг раҳбарлари ва оддий аъзолари илмий социалистик идеологияни тобора кўпроқ ўзлаштириб олмоқда. Масалан, Кубада Фидель Кастро бошчилигидаги революцион демократлар марксизм-ленинизм йўлига тушиб олишди.

Ривожланаётган мамлакатлар ҳозир ўтмишнинг энг оғир меросига — иқтисодий қолоқликка дуч келмоқдалар, иқтисодий қолоқлик уларга империалистик давлатлардан батамом ажралиб олиш имконини бермаяпти. Ана шу қолоқликни бартараф этмоқ учун мамлакатнинг ўзидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш талаб қилинади, бунга эса социалистик давлатларнинг иқтисодий, техникавий жиҳатдан, зарур бўлиб қолган жойларда эса мудофаа жиҳатдан кенг кўламда бераднган ёрдамисиз эришиш қийин бўлади.

СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги илгариги метрополиялар билан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ёш мустақил давлатлар ўртасида тарқиб топган эксплуататорлик характеридаги иқтисодий алоқалардан тамомила фарқ қилади. Совет ёрдами Бирлашган Араб Республикаси, Гана, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг ўз миллий индустриясини барпо этишга қаратилган.

Озодликка эришган мамлакатларда СССРнинг техникавий ёрдами билан қора ва рангли металлургиянинг 30 га яқин корхонаси ва цехи, 45 та машинасозлик ва металл ишлаш корхонаси, 30 та электростанция ҳамда жаҳон техникасининг энг янги ютуқлари негизида юзлаб бошқа объектлар барпо этилди ва барпо этилмоқда. Бу объектлар ишлаб чиқариш қувватларини пўлат эритиш соҳасида 6,1 миллион тонна, нефтни қайта ишлаш соҳасида 8,6 миллион тонна кўпайтирмоқда, электростанцияларнинг қуввати эса 4,7 миллион киловатт ошмоқда.

1965 йил бошларигача СССР Осиё ва Африкадаги қарийб 30 мамлакатнинг ҳукумати билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузди. Айни бир маҳалда Осиё ва Африкадаги ёш мамлакатларда Совет Иттифоқи ёрдами билан 90 та ўқув марказ барпо этилмоқда ёки ишлаб турибди. Ана шу ўқув марказларида миллий инженер ва малакали ишчи кадрлар тайёрлаб чиқарилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ хўжалигининг янги, муҳим тармоқларини вужудга келтиришгагина эмас, шу билан бирга ишчилар синфини шакллантиришга шак-шубҳасиз ёрдам бермоқда.

Совет халқи империалистик давлатларнинг халқлар мустақиллигига таҳдид солувчи агрессив ҳаракатларига ҳеч қачон бефарқ қараб турган эмас. Совет халқи ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ҳар бир халқнинг манфаатларини қадрлайди.

Совет давлати империализмнинг «контрреволюцияни экспорт қилиш» сиёсатига ҳамиша қаршилик кўрсатиб келди. Совет давлати БМТда шармандали мустамлакачилик системасини қатъиян қоралаш ва батамом тугатиш учун кураш олиб борди. Англия — Франция — Исроилнинг Мисрга қарши ва Яқин Шарқдаги бошқа давлатларга қарши қилган агрессиясига дарҳол зарба беришни талаб қилди. Ғарбий Ириан масаласида Индонезиянинг ҳаққоний талабларини қўллаб-қувватлади. Совет давлати империалистик давлатларнинг Конго, Доминикана Республикаси, Кипр халқларининг ички ишларига аралашувига қарши изчиллик билан кураш олиб борди. Биз қаҳрамон Вьетнам халқининг Америка империализмига қарши олиб бораётган оғир курашини яқиндан ва ҳаққиллик билан қўллаб-қувватлаймиз, Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш дарҳол тўхтатилишини, Женева битимларига қатъий риоя этилишини, АҚШнинг ва унга иттифоқчи бўлган давлатларнинг ҳамма қўшинлари Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетилишини, Америка куроли Вьетнам территориясидан олиб кетилишини, Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконияти берилишини талаб қиламиз.

Совет Иттифоқи ўзининг интернационал бурчини адо этиб, миллий озодлик ҳаракатига ҳар тараф лама ёрдам ва мадад кўрсатиб келди ва бундан буён ҳам кўрсата беради. Совет Иттифоқи мустамлакачиликни батамом ва узил-кесил тугатиш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган халқларнинг вафодор дўсти ва биродари бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Совет Иттифоқи тинч ёки қуролли йўл билан олиб борилаётганлигидан қатъи назар, ҳамма шаклдаги миллий озодлик курашига мадад бериб келди ва бундан буён ҳам бераверади. КПСС Программасида таъкидлаб ўтилганидек бизнинг партиямиз мустамлакачилик ва ярим мустамлакачилик сиртмоғини улоқтириб ташлаган халқлар билан қардошларча иттифоқда бўлишни ўз халқаро сиёсатининг асосий негизларидан бири деб билади.

И. ВОЛОДИН.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН

«ТУҲМАТДАН ОҒИР НАРСА ЙЎҚ»

Газетанинг шу йил 6 январь сонида юқоридаги сарлавҳали фельетон босилган эди. Фельетонда қаҳинатгўй, камчиликларга нисбатан муросасиз ёш коммунист С. Ҳаққуловга қаршн уюштирилган туҳмат ва уйдирмалар фош этилган эди. Материал юзасидан газетхонлардан ўнлаб хатлар олинди. Республикамизнинг барча томонларидан, турли касб эгалари ёзган бу хатларда туҳмат мусаффо қаҳтимизга доғ тушираётган иллатлардан бири эканлиги, нам бўлса ҳам учраб турадиган туҳматчиларга қарши шафқатсиз курашиш лозимлиги таъкидланади.

Фельетонда кирдикорлари қаттиқ танқид қилинган шахслардан бири милиция ходими З. Эргашев бундан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига, «қўрқган олдин мушт кўтарар» қабилида иш тутади. У редакцияга хат ёзиб, ўзига нисбатан қилинган танқид тўғри эмаслигини исботлашмоқчи бўлади. Бу билан, биринчидан, у ўзининг коммунистга хос камтарлик фазилатини йўқотганлигини, иккинчидан ойни этак билан ёпиб бўлмаслигини унутиб қўйганлигини кўрсатди.

Самарқанд область Хатирчи район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Каримов редакцияга жавоб ёзиб, фельетонда кўрсатилган фактлар тасдиқланганлигини хабар қилди. «Э. Эргашев юқи йиллар давомида милиция органларида ишлаб, ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилган, қўпол хатоларга йўл қўйган» дейилади жавобда.

Хатирчи район партия комитети бюроси Э. Эргашевни ножўя хатти-ҳаракатлари, туҳматчилиги учун уни партия сафидан чиқаришга, вазифасидан озод қилишга қарор қилди.

ПЛАН БЕШ ҲАФТАДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ 1- «ОҚҚУРҒОН» СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Бу йил чинакам пахта йили бўлди. Сув камчиллигига қарамасдан барча майдонларда мўл ҳосил тўпланишига эришилди. Пахта ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки ҳафта илгари етилиб пишмоқда. Бу эса йиғим-теримга анча барвақт киришиш ва йиллик планни тезроқ бажариш имкониятини беради.

Совхозимиз далаларида ҳам ҳосилнинг чўғи яхши. 2600 гектар майдондаги ғўзаларнинг ҳар тупида ўрта ҳисобда 10-12 тадан тўқ кўсак бор. Ҳар гектар майдонда 76 минг туп кўчат бўлишини таъминладик. Демак, гектаридан 27 центнердан ошириб пахта кўтариш учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Эндиги вазифа — етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда саранжом-сарištалаб олиш ва план ҳамда социалистик мажбуриятни ошириб бажаришдан иборат бўлмоғи керак.

Совхоздаги 64 та комплекс механизациялашган звеноларнинг ҳаммасида юқори ҳосил етиштирилганлиги ҳақида гапирар эканмиз, улкан хирмон учун қандай қураш олиб борилганлигига бир назар ташлаб ўтмасдан илож йўқ. Ҳаммага маълумки, бу йил сув танкис бўлди, бунинг устига ғўзаларимизга икки марта ҳашарот тушди. Лекин деҳқонларимиз асло чўчимадилар, ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган барча агротехника тадбирларини бир-бирига боғлаб, изчиллик билан амалга оширдилар. Чунончи, ғўза қатор оралари 4,5 марта узунасига, 3 марта кўндалангига сифатли культивация қилинди, тўрт марта кондириб суғорилди ва уч марта озиқлантирилди. Вегетация даврида далаларимизда 64 та трактор культиватори бетиним гуруллаб турди. 150-160 сувчи ғўзаларни кечаю кундуз суғорди. Ғўза парваришида ҳамма ишчилар актив қатнашди. Ана шулар натижасида мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдик.

Янги ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўраётган бир вақтда республикамиздаги бир группа илғор пахтакорларнинг газеталарда босилган хати келиб қолди. Очиқ хатдан бир неча кун илгари СССР Министрлар Советининг пахта етиштиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисидаги карори матбуотда эълон қилиниши эди. Бу ҳужжатлар пахтакорларимизни меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш учун курашга илҳомлантириб ёборди. Биз мамлакатга кўпроқ ва сифатлироқ хом ашё етказиб бериш учун социалистик мусобақага кўшилиб, конкрет тадбирлар белгилаб чиқдик. Бу тадбирларда пахта йиғим-теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш, уни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошлаб юбориш ва йиллик планни беш ҳафта ичида адо этиш кўзда тутилган.

Бу йил даалатга топшириладиган 7020 тонна пахтанинг 90 процентини биринчи сортга ўтказиш, яъни ўтган йилдагига нисбатан қарийб 6 процент миқдорида кўп биринчи сорт пахта сотиш жуда мураккаб ишларни амалга ошириши талаб этади. Шунга кўра, август ойининг қолган кунларидан ҳам самарали фойдаланиб, ғўза парваришини сира тўхтатмай давом эттираверамиз. Суғанинг ҳар катрасидан тежаб-тергаб фойдаланамиз, суғоришни янада яхши ташкил этамиз, қўлда териш учун ажратилган участкалардаги ғўзаларни хатто биринчи теримдан кейин ҳам суғорамиз.

Ҳар бир пайкалдаги ғўза тупларининг аҳволини системали равишда кўздан кечириб турамиз, кўсак қурти ҳамда бошқа кишлоқ хўжалик зараркунандаларининг таркалишига асло йўл қўймаймиз.

Кўсакларнинг яхши етилиб, тезроқ очилишини таъминлаш мақсадида камиш, гумай каби бегона ўтларни тағ-томири билан юлиб ташлаймиз, ҳар бир звенога биркитилган ишчилар ғўзаларни оралаб чиқишади, шу йўл билан ғўза тупларининг шамоллатилишига эришамиз. Айни вақтда пайкаллардаги бегона ўтларни йўқотамиз. Шундай қилиб, ҳар бир пайкалнинг бегона ўтдан тоза бўлишини таъминлаймиз.

Ғўза туплари кўсагини кўтаролмай ётиб қолган пайкалларда тупларни кўтариб боғлаб қўямиз. Бу билан кўсакларнинг тез очилиши таъминланади ва айни вақтда ғўза шохларининг пастки қисмидаги кўсакларнинг чириб кетишига йўл қўйилмайди.

Кўсакларни тезроқ етилтириш ва пахтанинг барвақтроқ очилишини таъминлашда ғўза барглари-ни сунъий усулда тўктириш муҳим аҳамиятга эгадир. Биз буни ҳисобга олиб, дефолиацини мумкин қадар эртароқ бошлаймиз. Баъзи майдонларда дефолиация 25 августдан бошлаб табакалаштириб ўтказилянти. Биз ғўза барглари-ни сунъий усулда тўктириш ишини узоғи билан 15 сентябрга ўтла-тўкис тугаллаймиз. Дефолиация вақтида ғўза тупларига шудринг кўпроқ тушганида цианамид кальцийдан фойдаланамиз. Шудринг оз тушган тақдирда эса, бутифос химикати қўлланилади. Бундан асосий мақсад — дефолиацияни сифатли ўтказишдир.

Граждан авиа флоти бошқармаси совхозимизга иккита самолёт юборди. Сигналчиларни аллақачонлар тайёрлаб қўйганмиз. Самолётлардан окилона фойдаланиб, дефолиациянинг ўз вақтида ўтказилишига эришамиз.

Бу йил далаларимизда 110 та пахта териш машинаси ишлайди. «Зангори кема»лар 3400 тонна пахтани йиғиштириб беришади. Биринчи теримда 2354 тонна, иккинчи теримда эса, 1046 тонна пахтани агрегатларда саранжом-сарištалаб оламиз. Бунинг учун машина теримига пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Даставвал, терим агрегатларининг ҳаммаси тўла-тўкис ремонт қилиб қўйилди. Уларга механик-ҳайдовчилар биркитилди. Бизда ер ҳайдаш, чигит экиш ва ғўза парваришида қатнашган механизаторлар пахтани ҳам ўзлари териб олишади. Шунинг учун ҳам улар комплекс механизациялашган звеноларга ташкил этиб, ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирганлар. Машина терминнинг сифати учун комплекс механизациялашган звено бошлиқлари — механизаторлар жавоб беришади.

Машина терминнинг муваффақияти далаларнинг ҳолатига боғлиқдир. Бунинг учун эса сўнгги суғориш эгатлари олиш пайтида, уларнинг теп-текис бўлишига эришдик. Бундай эгатлардан машиналар кўп чайқалмасдан равон суза олади. Шпинделлар ҳам бир меъёрда ишлаш имкониятига эга бўлади. Пахта соз ва сифатли терилади, кўп тўкилмайди.

Пахта териш машиналари ишга тушишдан бир неча кун илгари агрегатлар айланадиган майдончалар ва ўқариқлар текисланади. Ана шу ерлардан йиғиштириб олинган ғўза туплари махсус майдончаларда қуритилади, бирор дона ҳам кўсакнинг чириб нобуд бўлишига йўл қўйилмайди.

Пахтанинг бултургига қараганда анча барвақт очилаётганлигини эътиборга олиб, 1 сентябрдан кўл билан теришга киришамиз. Чунки, унгача ҳар туп ғўзада икки-учтадан кўсак бўлади. Бундай майдонлардаги пахтани мавсум давомида 3-4 марта териб оламиз. Пахта теримига қатнашаётган қишиларнинг ҳаммаси кўп хонали эталар билан таъминланган. Пахтанинг сифатини ошириш максадида қўлда тераётганларга ҳар куни каторлар бўлиб берилади ва терилган пахта пайкалнинг ўзида қабул қилиб олинади. Пахта қабул қилинаётганда чаноқларнинг тоза бўлишига аҳамият берилади. Агар пахта сифатсиз териб олинган бўлса, у вақтда қабул қилинмайди. Шундай қилинса, теримчиларнинг масъулияти ортади, пахта сифатсиз ва чала терилмайди.

Терилган пахтанинг фақат кундуз куни қабул қилиб олинишини ва коронғи тушгунча тайёрлов пунктларига етказиб берилишини таъминлаймиз. Бу иш устидан агрономлар, бўлим бошқарувчилари контроллик қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш юзасидан шу йил 21 июлда қабул қилган карорини сўзсиз бажариш максадида совхознинг барча аҳолисини, тани-жони соғ бўлган ҳар бир кишини теримга сафарбар этамиз. Белгиланган графикларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаймиз. Социалистик мусобақага кўшилмаган бирорта ҳам ишчи қолмайди.

Машина теримига ғўза тупларидаги кўсакларнинг камида 60 процента очилганда ва ғўза барглари-нинг 80 проценти тўкилгандагина киришамиз. Теримга тушишдан олдин агрегатлар катор оралариига мослаб регулировка қилинган бўлади. Терим агрегатларининг бирор дақика ҳам сабабсиз тўхтаб қолишига йўл қўймаймиз. Бунинг учун техникадан фойдаланиш чора-тадбирларини муттасил амалга ошириб борамиз.

Марказий ремонт устахонасида кечаю-кундуз навбатчилик ўрнатилади. Слесарлар, токарлар, электр пайвандчилар ва бошка касбдаги мутахассислар навбатчилик қилишади. Марказий ремонт устахонаси ишини ташкил этиш устахона мудири Разифасини бажарувчи Бўкабоев ҳамда мастер Сухоплясов ўртоқларга юклатилади.

Марказий ремонт устахонасида запас қисмлар фонди ташкил этилади. Бу фондда терим агрегатлари, автомашиналар ва прицеплар учун зарур қисмлар сақланади.

Совхозда мавжуд бўлган 7 та кўрак териш машинаси ҳам шай қилиб кўйилмоқда. Яқин кунлар ичида 10 та автомашина тўла-тўкис ремонтдан чиқарилади. 7 минга қоп-қанор ҳозирланади ва ака-ука Биковлар системасидаги битта сушилка тахт қилиб қўйилади.

10 сентябрга қадар 6 та газ сушилкасини ремонтдан чиқариб ускуналаб қўямиз. Шу муддатгача 22 та пахта қуритиш майдончасига асфальт ётқизилади, 9 та айвон битказилади.

Биринчи бўлимда 4 та, иккинчи бўлимда 1 та, учинчи бўлимда 5 та ва тўртинчи бўлимда 2 та кўприк яқин кунларда ремонтдан чиқарилади. Барча йўллар текисланади ва транспорт қатнови учун қулай ҳолга келтирилади.

Ҳар бир бўлимда ёнғинга қарши кураш юзасидан керакли инвентарлар ҳозирланади. Пахтани шабнамдан сақлаш максадида бўйи ва эни 6 метрли 120 та шолча тайёрланади.

1 сентябрга қадар бензин ташийдиган машиналарнинг ҳаммаси тўла ремонтдан чиқарилади. Йиғим-терим кампанияси даврида техникани ёнилғи билан узлуксиз таъминлаб туриш чоралари кўрилади.

Йиғим-терим кампанияси даврида барча бўлимлардаги пахта сақланадиган айвонларга электр ўтказилади ва улар телефонлаштирилади.

Пахта териш ва давлатга топширишнинг муваффакиятини одамлар ҳал қилади. Шундай экан, одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни меҳнатда янги зафарларга илҳомлантириш, бунинг учун эса ҳар бирининг қалбига йўл топа билиш — совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитетининг сира кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Биз йиғим-терим одамларнинг кайфиятига, уларнинг ташаббускорлигига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, биринчи галда ишчиларга яхши меҳнат шароитлари яратиб беришни кўзда тутяпмиз. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир теримчи ва механик-ҳайдовчи бажарган ишининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ олади, бунга қўшимча равишда уларга мукофотлар бериб борилади.

Ҳар бир звено бошлиғи — механик-ҳайдовчига пахта йиғим-терими даврида ойлик иш ҳақига 30 процент миқдорида қўшимча пул бериб боришни мўлжалладик. Пахта теримига жалб этилган бошқа механик-ҳайдовчиларга нормани бажарганликларига қараб, ҳар бир нормага 6 сўм 50 тийиндан ҳақ тўланади.

Звено бошлиқлари — пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари мавсум топшириғини бажарган тақдирда 50 процент миқдорида қўшимча ҳақ оладилар. Шундай қилиб, звено бошлиғи мавсум нормасини бажарса, ҳар ойда ўрта ҳисобда 200-210 сўмдан ҳақ олади.

Бизда ҳар бир терим агрегатининг мавсум нормаси 60 тонна қилиб белгиланган. Ана шу норма-ни ошириб бажарган механик-ҳайдовчилар яна қўшимча ҳақ оладилар. Терим агрегатларининг иш жараёнида пахтанинг сифатига эътибор берган ва унинг жуда кам тўкилишига эришган механизаторлар тагин кўшимча ҳақ олиш имкониятига эга бўладилар. Бу хусусда бир мисол келтириб ўтишни максадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

Биринчи бўлимнинг 10-звеноси бошлиғи Михаил Ковешников аслида бир ойда 100 сўм маош олади. Малакали ишчи бўлгани учун унга 20 сўм қўшиб берилади. 10 сентябрдан 10 октябрга кадар эса ўрток Ковешниковга йиғим-теримни қисқа муддатда ўтказаётганлиги учун ойлик маошига 30 процент миклорида ҳақ қўшиб берилади. У фараз қилайлик, 10 октябрга қадар 100 тонна пахта терди. Демак, унга ойлик иш ҳакининг яна 50 прооценти миқдорида қўшимча ҳақ тўланади, шу билан бирга, мавсум нормасидан 40 тонна кўп пахта терганлиги учун ҳар тоннасига 2 сўм 50 тийиндан пул берилади. Натижада Ўрток Ковешниковнинг ойлик иш ҳаки 334 сўмни ташкил этади. Лекин унинг учун яна бошка қўшимча манбалар ҳам бор. Ўрток Ковешников машина терими вақтида пахтанинг кам тўкилишига эришса, (тўкилган пахта гектарига 4 центнердан кам бўлса) қўшимча равишда яна 1 сўм-у 46 тийиндан пул олади. Шундай қилиб, у бир ойда 380 сўм иш ҳаки олишга муяссар бўлади.

Пахта теримида қатнашаётган механизаторларга шундай тартибда ҳақ тўланиши уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш билан бирга, терим суръатини тезлаштиради, сифатини яхшилайди.

Мамлакатга шунчаки пахта эмас, сифатли хом ашё керак. Биз буни ҳамиша эсда тутамиз. Тадбирларимизда белгиланганидек, бу йилги пахтанинг 90 процентини биринчи сортга топширамиз. Сўнгги уч йил ичида ўрта ҳисобда 5025 тоннадан биринчи, иккинчи ва учинчи сорт пахта топширган эдик. Шу йиллар мобайнида ҳар бир тонна пахтанинг қиммати 323 сўмни ташкил этди. Биз бу йил шунга қўшимча равишда 651 тонна пахтани биринчи сорт билан топширамиз. Бунинг эвазига эса 211 минг сўмлик қўшимча ҳақ оламиз. Моддий рағбатлантиришнинг бу усули совхозимиз ишчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва уларнинг меҳнатга бўлган муҳаббатини тагин ҳам ошириб юборди.

Дала шийпонлари пахтакорларнинг яхши ҳордик чиқарадиган жойлари бўлади ва оммавий-агитациянинг чинакам марказига ҳам айлантирилади. Ҳар бир дала шийпони шинам қилиб безатилмоқда. Уларда газета ва журналларнинг янги сонлари ҳар куни келтирилди. Дала шийпонларида кунда икки маҳал иссиқ овкат тайёрланади. Совхоз ишчилари учун кинофильмлар, концертлар кўрсатиб турилади. Хуллас, йиғим-терим суръатини ошириш ва сифатини яхшилаш учун нимаики керак бўлса, ҳамма-ҳаммаси муҳайё қилинади.

Одамларнинг сиҳат-саломатлигига, маиший аҳволига катта эътибор беришни кўзда тутяпмиз. Шу мақсадда медицина ходимлари ҳам ўз ишларининг бир қисмини далага кўчиришади. Дала шийпонларида дори-дармонлар сақланадиган махсус аптечкалар ташкил этилади. 1 сентябрга кадар марказий бўлимдаги ҳаммом ремонт қилиниб, ишга туширилади.

Пахта йиғим-теримида суръатни кўтариш ва сифатни ошириш максадида бўлимлараро кўчма Кизил байрок ва звенолараро кўчма вимпеллар ташкил этилади. Байрок ва вимпеллар топширилган пахтанинг миқдори ва сифатига қараб бўлим ҳамда звеноларга бериб борилади. Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитетининг органи «Хосил учун» деворий газетаси ва «Жанговар варақа»лар мунтазам чиқариб турилади. Уларда илғор тажрибалар кенг оммалаштирилади, йиғим-теримда оз бўлса-да бегамликка йўл қўйган айрим кишилар танқид қилиб борилади.

Белгилаган тадбирларимиз реал бўлиб, уларда пахта териш ва давлатга топширишни жадаллаштириш йўллари кўрсатилган. Галдаги вазифа — шу тадбирларни очишмай амалга ошириш, пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган йиллик планни беш ҳафта ичида, социалистик мажбуриятни эса 20 октябргача тўла-тўкис бажаришдан иборатдир. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга кўрсатаётган жуда катта ғамхўрликларидан илҳомланган совхозимиз ишчилари етти йилликнинг сўнгги босқичини ҳам муваффақиятли якунлаш йўлида хормай-толмай меҳнат қиладилар, мамлакат улкан хирмонига 7020 тонна сифатли ғўк олтини тўкадилар. Бунинг учун йиғим-терим кампаниясини ҳар қачонгидан ҳам уюшқоклик билан ўтказадилар, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратадилар.

Тожимирза НАБИЕВ — совхоз директори, **Жуман ЭЛЧИБОЕВ** — совхоз партия комитетининг секретари, **Рауф АБДУРАҲМОНОВ** — бош агроном, **Яков БЕЛОУСОВ** — бош инженер, **Абдусоли МАЛИКОВ** — 4- бўлим бошқарувчиси, **Нори БАЙРАМҚИЛИЧЕВ, Михаил КОВЕШНИКОВ** — комплекс механизациялашган звено бошлиқлари.

ХАЛҚАРО ТЕМАЛАРДА ЛЕКЦИЯ ЎҚУВЧИ ЛЕКТОРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Маълумки, партия маориф системаси тўгараклари ва мактабларида ёзги мавсумда машғулотлар тўхтатилади. Аммо Тошкентдаги сиёсий маориф уйи ҳузурида ташкил этилган халқаро темаларда лекция ўқувчи лекторлар семинари мана етти йилдирки, тинимсиз ишлаб турибди.

Семинарда салкам икки юз тингловчи қатнашмоқда. Булар асосан шаҳар корхоналари ва муассасаларининг раҳбар ходимлари, фан ва маданият арбоблари, совет армиясининг офицерлари, мактаблар ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидир. Улар халқаро аҳволни, Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини ўрганадилар. Тингловчилар томонидан тайёрланган лекциялар ижодий муҳокама қилинади.

Эгалланган билимларни мустаҳкамлашнинг хилма-хил формаларидан фойдаланилмоқда. Олимлар, маданият арбоблари, дипломатия хизмати ходимлари билан учрашувлар айниқса тингловчиларни қизиқтирмоқда.

Истеъфога чиққан полковник Г. М. Жданов кўпгина қизиқарли учрашувларнинг ташаббускуси бўлмоқда. У беш йилдан бери халқаро темаларда лекция ўқувчи лекторлар методик кабинетига жамоатчилик асосларида раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда халқаро аҳволнинг актуал масалалари юзасидан малакали консультациялар ўтказилиб турилади. Бой кутубхона лекторларга хизмат қилмоқда. Кутубхонада халқаро масалаларга бағишланган СССРда ва социализм мамлакатларида чиқадиган журналлар бор.

(ЎзТАГ).

ЎСИШ БЕШЙИЛЛИГИ

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида ўз хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани тасдиқланди. Бу план давлат топшириғи — заказига асосланиб тузилди. Асосий эътибор колхоз даромадининг асосий манбаи бўлган пахтанинг ҳосилдорлигини бундан кейин ҳам ошириш қаратилган. Беш йиллик охирига бориб, мана шу пахта майдонларидан олинадиган ҳосилни бу йилдагига қараганда уч юз саксон етти тоннага етказиш мўлжалланган. Ўртача ҳосилдорлик қарийб ўттиз бир центнерга етиши керак. Бундан ташқари, озуқа базаларини мустаҳкамлаш ҳисобига чорвачилик маҳсулотини ҳам кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Хўжалик экономикасининг ўсиши билан колхозчиларнинг иш ҳаҳи ҳам ошади. Уларнинг бир йиллик ўртача даромади беш йиллик охирига бориб 1215 сўмга етади. Бу эса ўтган йилдаги даромаддан қирқ процент ортиқдир. Колхоз даромади 186 минг сўм ортади. Колхозчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга кўп маблағ сарф этилади. Колхознинг хўжалик маркази — Мирзахўжа қишлоғида ўттизта икки квартирали уйлар қуриш мўлжалланмоқда. Пахтакорларнинг ҳамма уйлари газ билан таъминланади.

(ЎзТАГ).

Солдат мактублари

СЕВГИЛИМ ҚАНИ?

Ҳурматли редакция! Айрим кишилар онгидаги эскилик қолдиқлари, ярамас урф-одатлар ёшларнинг орзу-умидларига, бахтли турмуш қуришларига ғов бўляпти. Яқинда ўз бошимдан ўтган, кўнглимда ўчмас доғ қолдирган бир воқеа тўғрисида ёзиб, сизлар билан дардимни баҳам кўрмоқчиман.

Мен қишлоқда ўрта мактабни битириб, қурилиш билим юртида ўқиётган эдим. Кузда пахтакорларга ёрдам бериш учун колхозга чиқдим. Далада пахта териб юриб, кўпгина дўстлар орттирдим. Гаштли меҳнатдан сўнг сўлим оқшомларни қизғин суҳбат, мунозаралар билан ўтказардик. Суҳбат даврамизда ўтирганларнинг ичида бир қиз ўзининг одоб-хулқи, мазмунли сўзлари, бой, гўзал маънавий қиёфаси билан диққатимни тортарди. У исми-жисмига монанд М. исмли қиз эди.

У жуда чаққон, содда, чиройли қиз эди. Юрагимда унга нисбатан қандайдир меҳр уйғонди. У билан яқиндан танишдим. Биргалигда колхоз клубида кино кўрадиган бўлдик. Иккаламизнинг қалбимизда уйғонган меҳр тобора камол топиб муҳаббатга айланди.

Даладан шаҳарга қайтиб келдик. М. билан ҳар ҳафтада кўришиб турардик.

Кунлар, ойлар ўтиб, мен билим юртини тамомладим. Шундан сўнг мени Совет Армияси сафига хизматга чақиришди. Севгиним М. гражданлик бурчимни адо этишим лозимлигини яхши тушунса ҳам, ҳижронини эшитиб, йиғлаб юборди. Уни аранг юпатдим. Сўнг қизнинг ота-онаси ҳузурига бориб, уларга севгимизни ётиғи билан тушунтирдим.

Қизнинг онаси бепарволик билан:

— Ўғлим, сен шу ерда юргаиингда бошқа гап эди. Энди олисга кетиб бораяпсан. Уч йилда ким бор-у, ким йўқ, қизимиз эса балоғатга етди, умри бекорга кетмасин, — деди.

Дилим сиёҳ бўлиб, вокзалга жўнадим. М. ҳам кузатишга чиқди. У билан келгуси ҳаётимиз ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Қиз мени умрбод кутишга ваъда қилди. Поезд силжиди.

Армия сафида хизматни аъло даражада ўтай бошладим. М. билан хат ёзишиб турдик. Қиз охирги хатларида ота-онаси уни мактабга юбормай қўйганлигини ёзди.

«Ҳурматли Н. ака, яқинда мени куёвга беришмоқчи, қиз бола эканман, қўлимдан нима ҳам келади,— деб ёзибди у.— Агар иложи бўлса, ота-оналарингизга хат ёзинг, бизларнинг ёнига келиб, бир оғиз сўраб кўришсин, балки розн бўлишар...»

Шу сатрларни ўқиб, кўзим ёшланди. Ота-онамга бу ҳақда хат ёзишга қўлим бормади. Чунки шу вақтларда отам қаттиқ касал ётган эди. Акам ҳамиша далада, ишда. Қариб қолган онам касалга қарайдими, рўзғорга қарайдими? Шундай аҳволда улар тўйни ўйлай олармиди? Шунинг учун ҳам бу ҳақда хат ёзмадим.

Орадан бир неча кун ўтгач, М. дан яна бир хат олдим. Хат орасидан атир ҳиди анқиб турган кичкина рўмолча чиқди. Ҳаяжон билан сатрларга кўз югуртдим: «Умрим баҳорида очилган гулим, Сизга охирги хатимни ёзяпман. Чунки эртага тўй бўлади. Эски урф-одатга кўра ота-оналар қизнинг кўнглини сўрашмайди. Шу рўмолчани кўрганингизда ҳамиша севгимиз ёдингизга тушсин... Хайр!...»

Хатни ўқидим-у, кўз олдим қоронғулашди. Шошилиб, хат ёздим. Ота-онангизга ёлвориб кўринг, деб илтимос қилдим. Лекин, шундан сўнг қиздан бутунлай хат келмай қолди.

Мана хизматни ҳам тугаллаяпман, яқинда тинч, меҳнат нуғочига қайтаман. Ота-онам, дўстларим билан кўришаман. Лекин, бутун ҳаётимни бағишлаган бир кишини кўролмайман. Чунки эски урф-одатлар бунга йўл қўймайди.

Ҳурматли редакция! Ярамас урф-одатлар қачонгача сақланиб туради? Улар қачонгача бахтимизга тўғоноқ бўлади?

СУЛТОНОВ.
Н-қисм ҳарбий хизматчиси.

МУКОФОТ МУБОРАК, азиз оналар!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА*

Ўн ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаб ўстирган қуйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** фахрий унвони берилсин, **«Қаҳрамон она»** ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилсин:

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА

64. **Юдилевич** Соня Винамеловна — Каттақурғон районидаги 38 мактабнинг ўқитувчиси.

СУРХОНДАРЁ ОВЛАСТИДА

65. **Жўраева** Ҳадича — Термиз районидаги Мангузар қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

66. **Иброҳимова** Монгиш — Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

67. **Қурбонова** Ҳамида — Сариосиё районидаги Сариосиё қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

68. **Мукарова** Хурсанд — Термиз районидаги Янгиобод қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

69. **Рашидова** Пардахол — Шўрчи районидаги 13-бордончилик-токчилик совхозининг ишчиси.

70. **Тошмирзаева** Тошқиз — Сариосиё районидаги Хўфар қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

71. **Ҳаитқулова** Асал — Термиз шаҳри, рўзғор ишидаги аёл.

72. **Холёрова** Унгал — Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси.

73. **Чорнева** Иқлим — Шеробод райони, рўзғор ишидаги аёл.

74. **Эшмуродова** Қундуз — Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДА

75. **Валитова** Амина Муталиевна — Жетисой районидаги Ленин номли совхоз ишчиси.

76. **Жўраева** Саодат — Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхоз посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

77. **Дуйсенбекова** Опаш — Жетисой районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозининг ишчиси.

78. **Қобилова** Меҳри — Жиззах районидаги «Москва» колхозининг аъзоси.

79. **Ҳамроқулова** Гавҳар — Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг аъзоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

80. **Абдуллаева** Иқбар — Калинин районидаги Кўктерак қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

81. **Абдураҳимова** Жамила — Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

82. **Абдурахмонова** Улуғ — Бўка районидаги Пискент посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

83. **Оқилбоева** Фотима — Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

84. **Алиева** Марвар — Янгийўл районидаги Чиноз посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

85. **Олимжонова** Тўйди — Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

86. **Олимова** Саъдихон — Янгийўл районидаги Халқобод қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

87. **Асомиддинова** Хумор — Юқори Чирчиқ районидаги Оқовул қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

88. **Бойбулова** Моҳира — Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

89. **Гоипназарова** Ҳанифа — Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

90. **Генова** Надежда Матвеевна — Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг ишчиси.

91. **Жуматоева** Тозагул — Оржоникидзе районидаги Бурчмулла қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

92. **Жўраева** Фахринисо — Калинин районидаги Зангиота қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

93. **Дўсимова** Умри — Ўрта Чирчиқ районидаги Мингтепа қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

94. **Жонхўжаева** Тозагул — Оржоникидзе районидаги Бурчмулла қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

95. **Зокирова** Ҳикоят — Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

96. **Исмонлова** Турсун — Ўрта Чирчиқ районидаги «Пахтаобод» қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

97. **Қораева** Мухар — Оққўрғон районидаги Благовешченское қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

98. **Қурбонқулова** Ҳури — Оққўрғон районидаги Қўрғончи қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

99. **Кучимова** Райхон — Ўрта Чирчиқ районидаги Қорахитой қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

100. **Қўчқорова** Барчин — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

101. **Мадалиева** Санобар — Юқори Чирчиқ районидаги Кавардан қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

102. **Марипова** Сожида — Бўка районидаги Охунбобоев номли колхозининг аъзоси.

103. **Мирзапорова** Жамила — Бўка районидаги Киравчи қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

104. **Мирзараҳимова** Атка — Оржоникидзе районидаги 28/77-мактабнинг ишчиси.

105. **Норбоева** Ҳури — Оққўрғон районидаги Солдатское қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

106. **Нуримқулова** Қумискул — Оржоникидзе районидаги Тузал қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

107. **Пайзихўжаева** Мушар — Тошкент шаҳри, рўзғор ишидаги аёл.

108. **Пирназарова** Ҳабибахон — Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

109. **Раимова** Ҳайри — Оққўрғон районидаги Қўрғончи қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

110. **Раҳмонова** Зулфия — Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

111. **Саидова** Умри — Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

112. **Сотинбоева** Тожи Сиддиқовна — Тошкент шаҳри, рўзғор ишидаги аёл.

113. **Сафоева** Ҳадича — Тошкент шаҳри, рўзғор ишидаги аёл.

114. **Тошова** Турсуной — Ангрен шаҳри, рўзғор ишидаги аёл.

115. **Тўймуҳамедова** Ҳури — Калинин районидаги Чоштепа қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

116. **Турдиқулова** Робия — Янгийўл районидаги Олмазор посёлкаси, рўзғор ишидаги аёл.

117. **Ўринбоева** Баҳринисо — Бекобод районидаги Такачи қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

118. **Ўрмонова** Дунё — Бекобод районидаги Сретенское қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

119. **Ўрунбоева** Татьяна Игнатьевна — Юқори Чирчиқ районидаги Инк қишлоғи, рўзғор ишидаги аёл.

(Давоми бор).

*) Боши газетанинг 25 августдаги сонида.

„САЛОМ“ДАН МОСКВА МАМНУН

—Марҳамат, кабоб ейсизми, палов ейсизми, мантининг мазаскни кўрасизми, ўзбек таомларидан қайси бирини хоҳласангиз ҳаммаси бор.

Москваликлар, қардош республикаларден, чет эл мамлакатларидан келган меҳмонлар ўзбекистонлик пазандалар тайёрлаган ширин таомлардан мамнун бўлдилар. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги виставкасида энг ширин таомлар тайёрлаш ва яхши хизмат кўрсатиш бўйича ўтказилган мусобақа-конкурсда қатнашган республикамиз умумий овкатланиш корхоналарининг 30 га яқин энг моҳир ошпазлари яқинда Тошкентга қайтишди. Узбекистондаги энг йирик «Тошкент» ресторанининг директори ўртоқ Рустам Уразбоев бошчилигида «Салом» деб аталган ошхона атрофига бирлашган Тошкентдаги ошхона ва ресторанлардан танлаб олинган уста пазандалар бу мусобақа-конкурсда 30 хилдан ортиқ таом билан қатнашдилар.

Қардош республика пазандалари билан беллашган ошпаз, мозбонларимиз илғорликни қўлдан бермадилар. Улар овқатларни арзон, мазали ва кўримли тайёрлаш билан ном чиқардилар. Айниқса, ошпаз Эргаш Раҳмонбердиев тайёрлаган паловнинг мазаси хўрандаларнинг оғзида қолди.

Т. Алимуҳамедов, Т. Собиров тайёрлаган хамир таомлар, Одил Рамазонов пиширган кабоб ҳам хўрандаларга манзур бўлди.

— Пазандаларнинг Москвада бўлган Бутуниттифоқ мусобақа-конкурси, — деди суҳбатда «Салом»да бош ошпазлик қилган ўртоқ Ориф Турсунов — ўзбекистонлик ошпазларнинг маҳоратини кўрсатди.

Чиндан ҳам шундай, таклиф ва мулоҳаза дафтарига турли миллат, хилма-хил касб эгалари томонидан ёзилган 300 га яқин мақтов сўзлари, ошхонага ва унинг коллективига СССР Министрлар Советининг савдо Давлат комитети, Давлат савдоси ва матлубот кооперациялари ходимлари касаба союзи Марказий Комитети ҳамда Виставка эксплуатация бошқармаси томонидан берилган медаль, Фахрий ёрлиқлар пазандаларимизнинг юксак маҳоратига, касбига бўлган меҳрига берилган халқ баҳосидир.

Мусобақа-конкурс давом этмоқда, унда Ўзбекистон пазандалари олдига ҳали ҳеч ким тушолгани йўқ. Уларнинг ишига муваффақиятлар тилаймиз.

Баҳодир ҚОДИРОВ.

Суратда: Бутуниттифоқ мусобақа-конкурсида қатнашган бир группа пазандалар (чапдан ўнгга): И. Мирзаев, Т. Алимуҳамедов, Т. Собиров, О. Рамазонов, Э. Раҳмонбердиев, бош ошпаз О. Турсунов ўртоқлар.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Руминия фашистлар зулмидан озод қилинган кунининг 21 йиллиги муносабати билан 23 августда Бухарестдаги авиаторлар майдонида ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойиши бўлди.

* * *

УЛАН-БАТОР. Улэгей аймоғидаги энг йирик Баян шаҳрида радиомарказ фойдаланишга топширилганидан кейин Монголиянинг ғарбий қисмида яшовчи аҳоли республика пойтахтининг овозини бевосита эшитиш имконига эга бўлди. (ТАСС).

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДАН ХУШХАБАРЛАР

КУБА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ЛОС-АНЖЕЛОС ФОЖИАСИ

КАПИТАЛ ВА МЕҲНАТ КУРАШИ

БАШАРИЯТ:
ЛАЪНАТ ИРҚЧИЛАРГА!

Демократия, инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда, империализм маддоҳлари дарҳол Американи тилга оладилар. Улар «Америкада ҳар бир киши ирқи-жинси, дини-эътиқодидан қатъи назар эркин яшайди, ҳамма учун тенг имкониятлар яратилган», деб оламга жар соладилар. Турли халқаро анжуманлардан тортиб то Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мажлисларида ҳам АҚШ вакиллари «Америка демократияси»ни мақтайериб эслари кетади. Мақсад: Америка воқелигини бўяб кўрсатиш, капиталист иллатларини яшириш(жаҳон жамоатчилигини лақиллатишдан бошқа нарса эмас.

Бироқ, империализм маддоҳлари ҳар қанча оғиз кўпиртирмасинлар Америка демократиясининг йил сайин миси чиқиб боряпти. Империализм «жаннати» бўлмиш АҚШ оддий меҳнаткаш учун, айниқса қора танли инсон учун дўзахнинг худди ўзи. Қулдорлик юз йил бурун расман тақиқланган бўлса-да, неғрлар бу мамлакатда қувғинда, тутқунда. Америкада ҳаммаси бўлиб 20 миллион негр яшайди. Йирик шаҳарларда уларга махсус турар жой — геттолар ажратилган. Шарти кетиб, парти қолган геттоларда ҳамиша осуда, маъюс қора танлилар истиқомат қилишади.

Геттоларда катталар кулги-хандони, қувноқ болалар сурони, бегам нексалар гашти-гурунги эшитилмайди. Қиш фаслида томидан чакка ариғаги, ёз ойларида жазирамадан қуйиб-ёнган бу қулбаи-вайроналарда на электр нури, на водопровод ва на канализация бор. Ифлос, сассиқ геттоларга каламушлар ин қуриб олган. Турли юқумли касалликларни тарқатиш у ёқда турсин, каламушлар оғзидан оқ сут аримаган ғўдакларга ҳам чанг соладилар. Нью-Йорктаги неғрлар турадиган Гарлем районида ҳар йили неча-неча норасида каламушга ем бўлади. Бунинг устига неғр аҳолисини ҳамма ерда хўрлайдилар, таҳқир этадилар. У гарчанд кунни-кун, тунни-тун демай меҳнат қилсада, оқ танли ишчидан анча кам ҳақ олади. У қора танли бўлгани учун оқ танли билан бирга ўқишга, бирга юришга, бир транспортга тушишга сира ҳақи йўқ.

Тўғри, федерал қонунда неғрларнинг сиёсий-ижтимоий ҳуқуқлари ҳақида яхши гаплар бор. Лекин, аксарият штат ҳукмронлари, айниқса жанубий районлардаги ирқчилар федерал қонунларни сариқ чақага ҳам олмайдилар. Улар қора танлини очиқдан-очиқ тутиб олиб қамайдилар, азоблайдилар, ҳатто ўлдирадилар ҳам. Жанубий штатлардаги махсус фашист ташкилотлари неча-кундуз неғрларни, уларга ҳайрихоҳ бўлган оқ танлиларни таъқиб этади. Фашистлашган гуруҳлар қандай номаъқулчилик қилмасин маҳаллий ҳокимият ва полиция барибир қора танлига ёпишади. Шунинг учун ҳам юзлаб неғрлар ёстиғини қуритган, қора танли ёлларни бева, бегуноҳ болаларни етим қилган жаллодлар айбланмайди.

Тараққийпарвар башарият Америка неғрларининг бундай аянчли қисматидан хабардор, албатта. Сўнгги йилларда Алабама, Янги Орлеан, Нью-Йоркда юз берган воқеалар, яъни эрк деб бош кўтарган қора танлилар билан ирқчилар ўртасидаги қонли тўқнашувлардан барча софдил кишилар кўп ташвиш тортдилар. Ленин яқинда Лос-Анжелосда содир бўлган воқеа ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди.

Лос-Анжелос Қўшма Штатларнинг ғарбида жойлашган катта шаҳар. Унинг яқинида машҳур Голливуд жойлашган. Бу ўлкан кино фабрикасида қора танлиларнинг «фаровон», «ғўзал» турмушини, Америка «демократия»сини мадҳ этувчи кўп асарлар яратилган. Бироқ, Лос-Анжелос фожиаси на фақат бу фильмлар, балки Америка «демократия»сининг «астар-аврасини ағдариб ташлади.

Шаҳарда 200 минг негр яшайди. Уларга аталган Уоттс райони бошқа геттолар сингари хароба. Аҳолининг турмуши бошқа шаҳарлардаги қора танлилар турмушидан фарқ қилмайди. Уоттс кишилари доимо ярим оч, ялангоч, неғрнинг топган-тутгани тиринчилиққа етмайди. Меҳнатга яроқли аҳолининг 30 проценти ишсиз, бир бурда нон дардида ҳамиша изтироб чекади. Йўқлик, муҳтожлик азобини чекаётган неғрларни яна камситадилар ҳам. Сабр косаси тўлган Уоттс аҳолиси ўз ҳуқуқи, қадр-қимматини тиклаш учун бош кўтарди.

Унинг учун кўп нарса керак эмас эди. У фақат оқ танлилар билан тенг бўлишни, инсон қаторига қўшишларини истарди холос. Бунинг учун, президент Жонсоннинг бир оғиз гапи, ҳукумат буйруғи кифоя бўлур эди.

Яъни граждан ҳуқуқлари ҳақидаги баландпарвоз гаплар амалга оширилса Лос-Анжелос неғрлари ҳам тиниб-тинчиган бўлур эдилар. Афсуски, Америка ҳукмдорларининг сўзи билан иши, тили билан дили бошқа экан. Лос-Анжелос фожиаси буни очиқ-ойдин кўрсатди.

Жабрдийдалар оҳига қулоқ солиш ўрнига, «демократия ҳомийлари» неғрларга қарши ростанам уруш бошладилар. Тиш-тирноғигача қуролланган 20 минг солдат ва полициячи қора танлиларга ташланди. Улар ёшу-қарини, эркагу-аёлни аямадилар. Лос-Анжелос кўча ва майдонлари қонга бўялди. Ирқчилар 30 кишини ўлдирдилар, 900 неғрни майиб қилдилар. 3 минг гуноҳсизни қамоққа ташладилар, неғр қулбаларига ўт қўйдилар. Лос-Анжелос фожиасини ўз кўзи билан кўрган кишилар, эшитган афкор омма ирқчилар қилмишидан даҳшатга келди. Қора танлилар турадиган районларни кезиб чиққан Америка журналистларидан бири, «Чикаго дейли ньюс» мухбири қонли воқеани шундай тасвирлади: «Мен кўп йиллар давомида ўз газетамда революциялар, граждан урушлари ва кўзғолонлар ҳақида мақолалар ёздим. Лекин мен ҳеч қачон ва ҳеч каерда Лос-Анжелосдагидек даҳшатни кўрган эмасман». «Си-Би-Эс» мухбири Парментел эса, «Японлар билан бўлган урушдан буён бунчалик қиргинни кўрмадим», деди.

Лос-Анжелос фожиаси бир зумда бошқа шаҳарлардаги ирқчилар қулоғига ҳам, қора танлиларга ҳам етиб борди. Ирқчилар қиргиндан руҳланса-лар, неғрлар ғазабга келдилар. Алабама штатидаги Ханвиль шаҳрининг полициячиларидан бири Жон Даниэль исмли негр студентни ҳамда чикаголик руҳоний Ричард Моррисроэни бекордан-бекорга отиб ташлади. Воқеа юз берган жойга етиб келган полиция бошлиғи қотилни оқлаб, «у тартибни сақлаш мақсадида расман ҳаракат қилган», деди.

Матбуот хабарларига кўра, кўп районларда нафрати туғён ўрган неғрлар ҳаракатга тушиб қолдилар. Шунингдек, Американинг тараққийпарвар кишилари ҳам ирқчилар қилмишидан, ҳукумат сиёсатидан хижолатда. Шаҳарларда норозилик митинглари ва намойишлар бўляпти. Жаҳондаги миллион-миллион қўли қадоқлар, ақлий меҳнат кишилари Лос-Анжелос фожиасидан ҳайратга ва ташвишга тушиб қолдилар. «Африка ва Осиё, — деди таниқли жамоат арбоби ва Хиндистон парламентининг аъзоси Онсор Харвони, — озодлик ҳайкали ўрнатилган ерда бўлаётган вахшийликни эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолди». «Ганизн таймс» газетаси эса Америкадаги неғрларни ирқий камситиш масаласини эндиликда жаҳон жамоатчилиги судига ошириш керак, деб ёзди.

Куни-кеча «Правда» газетасида совет жамоатчилиги вакиллари, фан ва маданият арбобларининг Жонсонга ёзган очиқ мактуби эълон қилинди. Совет кишиларининг фикри, нафрати ифода этилган бу хатда Жонсон шаънига, ўзини «демократия жарчиси» атаган маддоҳлар шаънига аччиқ ва ҳаққоний гаплар айтилган. Вьетнам ва Доминикан ерида қилинаётган ёвузликлар Лос-Анжелосда акс садо берди, деб жуда тўғри ёзилган хатда. Дарҳақиқат, ноҳақ қон тўкиш, айбсиз айбдорлардан ўч олишга келганда, Америка ҳукмронлари ўз халқини ҳам, ўзгаларни ҳам аямайди. «Озод дунёни ҳимоя қилиш» сингари сохта шиорларни рўкач қилиб, ҳали Вьетнам, ҳали Лаос, ҳали Камбоджа ерида, гоҳо ўз ватанларида нон ва ҳуррият деганлар жонига қасд қиладилар, қон тўкадилар.

Башарият Лос-Анжелос фожиасидан ҳаяжонда, у ирқчиликка лаънат ўқиялти, бадном бўлган Америка раҳбарларини ғазаб қилмоқда. Башарият Вьетнам, Жанубий Корея осмонида ҳам, барча занжирбанд ўлкалар осмонида ҳам қора булутлар тарқалиб баҳор, эрк шабадаси эссин, жафокашлар елнасига офтоб тегсин, деб барала айтмоқда.

Ф. АБДУЛЛАЕВ.

«Совет Ўзбекистони» обзорчиси.

ГЕРМАНИЯ Демократик Республикасининг йирик саноат марказидаги Магдебургда Эльба дарёси узра янги кўприк қурилмоқда. Йирик иншоот ГДР ташкил топган кунининг байрами арафасида ишга тушириладн.

АДН — ТАСС фотоси.

МУЗОКАРАЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

ҚОҲИРА, 24 август. (ТАСС). МЕН агентлигининг мухбири Жиддадан хабар беради: Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир билан Саудия Арабистони короли Файсал бугун Кузан саройида учрашдилар. Кузан саройи — Бирлашган Араб Республикасининг президенти Саудия Арабистонига қилган сафари вақтида унинг резиденцияси эди.

МЕН агентлиги хабар беради: Бирлашган Араб Республикаси билан Саудия Арабистони Ямандаги барча уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш тўғрисида бир битимга келдилар. Агентлик битимнинг асосий бандларидан қуйидагиларни таъкидлаб кўрсатади: биринчидан, битим имзоланганидан кейин тўқнашувлар дарҳол тўхтатилиши керак; иккинчидан, Яман билан Саудия Арабистони ўртасидаги чегарада қўшма кузатиш постлари ташкил қилинши лозим. Ҳар икки мамлакат Яманга маданий, молиявий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш мажбуриятини ҳам олади.

КУБА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ГАВАНА. Куба халқи Куба хотин-қизлари федерацияси тузилган кунининг беш йиллигини нишонламоқда.

Беш йил муқаддам бу ташкилот жуда кам аъзога эга эди. Ташкилот атиги 17 минг яқин кишини ўзига бирлаштирган эди. Ҳозирги вақтда федерация сафида қариб 537.000 хотин-қиз бор.

Бу ерда Куба хотин-қизлари федерациясининг аъзоларини «Федерадас» деб атайдилар. Ҳозир уларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Улар болалар яслилари ва боғчалари, ишчиларнинг ошхоналари, ҳар хил маиший корхоналар, хотин-қизлар курсларини кўпайтириш ва ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Федерация халқни идеологик жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИГА ЁДГОРЛИК

ВАРШАВА. Польша матбуот агентлиги хабар беради: Зелена Гура шаҳридаги Қаҳрамонлар майдонида шаҳарни ғитлерчилар зулмидан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчиларига ёдгорлик қурилмоқда.

Ёдгорлик автори — познанлик ҳайкалтарош Анна Кшиманская ёпиқ конкурсда биринчи мукофот олди. Ёдгорлик чор томонида барельефлари бўлган 10 метр баланд обелискдан иборат бўлади. (ТАСС).

ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИДА

ЧИЛИ МЕТАЛЛУРГЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

САНТЬЯГО. Чили меҳнат министрлиги маълумотига кўра, шу йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида мамлакатда 84 та забастовка ўтказилган.

Чилидаги энг йирик «Уачипато» металлургия заводининг уч ярим минг ишчисининг забастовкаси ғалаба билан тугалланди. Икки ойдан ортиқ давом этган қаттиқ кураш ва бу курашни ишчилар синфининг бошқа отрядлари қўллаб-қувватлаганлиги натижасида Чили металлургия корхона эгаларининг қаршилигини енгдилар ҳамда иш ҳақини ўрта ҳисобда 39 процент оширишга эришдилар.

КОРХОНА ЭГАЛАРИ УЧ ОЛМОҚДАЛАР

РИМ. Бундан бир йил илгари уюштирилган намойиш муносабати билан бинокорлар касаба союзи Милан бўлимининг секретари Фанелли, ана шу касаба союз секретариатининг аъзоси Мина ва Миландаги «Вертани» йирик қурилиш ташкилоти касаба союз комиссиясининг етти аъзоси судга берилди. Ана шу намойиш корхона эгалари меҳнаткашларга иш ҳақи тўлашдан бош тортганликларига қарши норозилик белгиси остида ўтказилган эди. Ишчилар нурашининг натижасида иш ҳақи тўланди, лекин намойиш раҳбарлари судга берилди.

ИШЧИЛАР БИРДАМЛИГИ

ПАНАМА. Босмахона ишчилари ўтказган 24 соатлик умумий забастовка Панама шаҳридаги барча босмахоналарнинг ишини тўхтатиб қўйди. Пойтахтда газеталар чиқмади.

Мингдан ортиқ киши иштирок этган бу забастовка «Индустриаль графика» босмахонасининг ишдан бўшатилган ишчисини қайта ишга олиш тўғрисидаги талабни қўллаб-қувватлаш юзасидан эълон қилинди. Босмахона ишчилари касаба союзи шу ишчи «қонунга ҳилоф равишда ва ноҳақ» ишдан бўшатилди деб ҳисобламоқда.

Мамлакатдаги 14 та касаба союз ташкилоти матбаачилар билан ўзларининг бирдам эканликларини билдирдилар.

МАЪМУРИЯТ ЧЕКИНДИ

КОЛОМБО. Миллий тўқимачилик корпорацияси 800 ишчисининг бир ҳафта давом этган забастовкаси ғалаба билан тугалланди. Забастовкани Цейлон касаба союзлари федерацияси уюштирган эди. Маъмурият ишчиларнинг талабларини қондиришга ва иш ҳақини оширишга мажбур бўлди.

ҚЕМАЛАРДА ИШЛАР ТЎХТАТИБ ҚУЙИЛДИ

ЛОНДОН. Англиядаги Ньюкасл-Тайн портининг 300 докери иш ҳақини оширишни талаб қилиб, забастовка эълон қилди. Забастовка натижасида 10 та кемада юк ортиш ва туширқш ишлари тўхтаб қолди.

ТРАМВАЙ ҚАТНОВИ ТЎХТАБ ҚОЛДИ

КАРОЧИ. Карочи трамвай паркининг ишчилари ва хизматчилари компаниянинг трамвайчилар касаба союзининг раиси билан қўпол муносабатда бўлганлигига қарши норозилик билдириб, 9 соатлик забастовка ўтказдилар. Натижада шаҳарда трамвай қатнови тўхтаб қолди. (ТАСС).

«ЖЕМИНАЙ-5» ПАРВОЗДА

НЬЮ-ЙОРК, 25 август. (ТАСС). Америка космонавтлари Купер ва Конрад ичига тушган «Жеминай-5» кеча Москва вақти билан соат 21.22 минутда ер атрофини 48 марта айланиб чиқиб, ўзининг учишини давом эттирди. Хьюстондаги космик марказдан олинган хабарларда айтилишича, космонавтларнинг аҳволи қониқарли.

Кеча космонавтлар АҚШда учирилган «Минитмен-II» ракетасининг учишини кузатиб туришга ва уни фотоаппарат билан бир неча марта суратга олишга муваффақ бўлдилар. Космонавтлар, ёнилгининг сарфланишини кузатиб туринглар, деб огоҳлантириб қўйилди. Улар, 23 августда космосда маневр қилаётган вақтларида ёнилгини ошиқча сарфлаб юборган бўлсалар керак.

Космик кийимлар ичидаги температура кўтарила бошлади ва цельсий билан 14-15 градусга етди. Космик марказдан олинган хабарда айтилишича, космик кемани электр билан таъминловчи системанинг иши аста-секин яхшиланмоқда.

«Жеминай-5» парвозининг раҳбарлари учиш қониқарли бормоқда ва олдин планлаштириб қўйилганидек, тўлиқ саккиз кун давом этса керак, деб ҳисобламоқдалар.

Миллий революцион кенгаш тузилди

ДАМАШҚ, 24 август. (ТАСС). Сурия Араб Республикаси президентлик кенгаши декрети билан миллий революцион кенгаш тузилганлиги тўғрисида эълон қилинди. Кенгаш составига 95 аъзо, жумладан, армия, ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция вакиллари кирди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

26 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Кичик концерт. 8.25 — Пахтакорлар ҳақидаги қўшиқлар. 9.30 — Музикали танаффус. 9.45 — «Ички терламанинг олдини олиш» (тож.). 10.30 — Концерт. 11.10 — «Инсон меҳнати билан гўзал». 11.20 — Куйлардан қўшиқларга. 13.40 — Эстрада концерти (рус.). 16.15 — «Октябрь билан туғилганлар» (музикали эшиттириш). 18.10 — Мексика ва Испания куйлари. 18.30 — Нодир куйлар. 19.20 — Татар қўшиқлари. 20.00 — Партия-давлат контроли амалда (рус.). 20.10 — Концерт. 20.45 — «Совет кишиси шоҳдор, яратувчи» (суҳбат). 21.20—Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 — Қардош социалистик мамлакатларда. 22.10 — Лирик концерт. 23.20 — Музикали эшиттириш. 00.05 — И. Дунаевскийнинг «Оқ акация» оперетасининг охири. Боши соат 23.00 да, иккинчи программа орқали (Москва).

Телевидение

26 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.25 — **Ёз сўз ўтди** (мактаб ўқувчилари учун). 18.45 — **Бадиий виставкадан репортаж.** 19.15 — **Реклама ва эълонлар.** 19.20 — **Кекса санъат усталари концерти.**

20.30 — **Эртага экранда.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар.** 20.55 — **К. Федичева ва Ю. Соловьёв ижодий кечаси.** 22.10 — **Пул** (телевизион фильм-спектакль).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/VIII да **Угил уйлантириш**, 27/VIII да **Гули сиёҳ.** Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида — 27/VIII да **Катта концерт.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 27, 28, 29/VIII кеч соат 8 яримда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги га иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 27, 28/VIII кеч соат 8 яримда **Катта аския кечалари.** Касса кундуз соат 2 дан очилади.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Макс Линдер компанияси — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун). «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10-10 минутда).

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — НАВОИЙ номли. «ИСКРА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (1-зала), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бир марта картошка, икки марта картошка — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ракеталар отилмасин — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ». «ДРУЖБА» (2-зала). «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Цирк майдонига йўл (кеч соат 8.20 минутда). **Давидбек** (кеч соат 9-50 минутда) НАВОИЙ номли.

Тоғ қонуни — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Мария — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Аёзбобо — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

Дорбозлар — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

Хайр, Кекец! — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10 ва 11 яримда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — «ФЕСТИВАЛЬ», НАВОИЙ номли, СТЕПАН РАЗИН номли.

Дорбозлар — «ПАХТАКОР», «РАКЕТА».

Ракеталар отилмасин — «ХИВА».

Скарамуш — «САЛЮТ».

КАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

оммавий кийим тикувчи-мотористка ихтисоси бўйича бир йиллик ишлаб чиқариш таълимига

КАР-СОҚОВЛАРНИ ВА КАРЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ёток, стипендия ва кийим билан таъминланади.

Ариза бериш учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 15-уй.

САНЪАТ САРОЙИДА

26 августдан 31 августгача

Ўқув йилининг бошланишига бағишланган

ЯНГИ БОЛАЛАР ФИЛЬМЛАРИ

кинофестивали

26, 27/VIII да — **Хайр, Кекец!** номли янги бадиий фильм. Югославиянинг «Виба-фильм» киностудияси ишлаган.

28/VIII да — **Янги мультфильмлар тўплами** (Қўёнчалар ҳақида ва бошқалар).

29, 30/VIII да — **Жоду орол** (В. Риссениг шу номдаги повести асосида). «Мосфильм» киностудияси ишлаган.

31/VIII да — **Янги мультфильмлар тўплами** (Вовка узоқ элларда ва бошқалар).

Сеанслар эрталаб соат 10 ва 11 яримда бошланади. Мактаб ва болалар муассасаларидан коллектив заявкалар қабул қилинади.

29 августда Марғилон шаҳрида Ўзбекистон ССРнинг 1965 йилги

пул-буюм ЛОТЕРЕЯСИ

тўртинчи чиқарилиш билетларининг

ЮТУҚ ТИРАЖИ БЎЛАДИ

Тиражда лотереянинг тўрт разрядига: 8 та «Москвич» автомашинаси, 20 та «ИЖ-Планета» мотоцикли, 20 та телевизор, 180 та холодильник ва, ҳаммаси бўлиб, 585 минг сўмлик бошқа қимматли буюмлар ва пул ютуқлари ўйналади.

Лотерея билетларини сотиб олинг!

РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ КУРСИ

кундузги, икки сменали ва кечки бўлимларга

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундуз соат 1 дан кеч 6 гача мурожаат қилинсин.

Адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 174-уй (Бешёғоч Комсомол кўли ёнида).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ

ҚАТНАБ ЎҚИЙДИГАН ВА СИРТҚИ УМУМ ТАЪЛИМ ЎРТА МАКТАБИ

дарслар рус, ўзбек тилларида олиб бориладиган

5, 6, 7, 8, 9, 10, 11-синфларга

Тошкент области районларида ва шаҳарларида яшовчилардан 1965/66 ўқув йили учун

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент областининг ҳамма район ва шаҳар марказларида мактабнинг консультация пунктлари бор.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумот ҳақида ҳужжат, паспорт намунасидаги 2 та фотокарточка, иш жойидан справка.

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес:

Тошкент область Оржоникидзе посёлкаси, Киров кўчаси, 11-уй;

Бекобод — 1-«Далварзин», 11-ўрта мактаб;

Бекобод — 2-«Далварзин», 2-ўрта мактаб;

Янгийўл — Чиноз посёлкаси, 61-ўрта мактаб;

Оққовоқ — 74-ўрта мактаб.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг

ТОШКЕНТ ТЕГИРМОНЧИЛИК МАКТАБИ

1965/66 ўқув йилига

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб тегирмончилик ва эралиш ем ишлаб чиқариш саноати учун малакали ишчилар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 11 ой бўлиб, ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

7-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар 17 ёшдан тортиб имтиҳонсиз қабул қилинади.

Бошқа жойлардан келганлар ётоқ билан таъминланади. Стипендия тўланади. Ҳалоқ бўлган жангчиларнинг ва Ватан уруши инвалидларининг болалари давлат таъминотига олинади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади. Дарслар рус тилида олиб борилади.

Адрес: Тошкент шаҳар, 2-Сельмаш проезд, 25-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари —27914, 29323. Масъул секретарь —34455 Масъул секретарь ўринбосарлари— 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда —31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалик—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий аҳборот—32347 Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка —27343. Эълонлар —28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 199. ИНДЕКС 64543. Р. 02287.